



Zarafshon

1913-yil aprel oyidan chiqa boshlagan

E-mail: zarafshong@mail.uz



Сайтмига ўтиш учун QR-кодни
телефонингиз орқали сканер қилинг

2020-yil 29-avgust, shanba, 95-96 (23.375-23.376)-son



СЕН - ҚУДРАТ МАНБАИ, САОДАТ МАСКАНИ, ЖОНАЖОН ЎЗБЕКИСТОНИМ!



Халқ депутатлари кенгашининг нуфузи ошмоқда

Кеча бўлиб ўтган халқ депутатлари вилоят Кенгашининг навбатдаги сессияси бунга яққол мисол бўлди.

Уни вилоят ҳокими, Кенгаш раиси Э.Турдимов олиб борди.

Сессия ишида вилоятимиз ижтимоий-иқтисодий ҳаётига оид қатор масалалар муҳокама қилинди.

ҲОКИМ ЎРИНБОСАРИ ЯНА ҲИСОБОТ БЕРАДИ

Сессияда дастлаб, вилоятда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш ва аҳоли томорқаларидан самарали фойдаланишни ташкил этиш, озиқ-овқат маҳсулотлари нархлари сунъий ўсишининг олдини олиш бўйича кўрилатган чоралар тўғрисидаги масала кўриб чиқилди.

Ушбу масала юзасидан вилоят ҳокимининг қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича ўринбосари Ф.Абиловнинг ахбороти тингланди.

Қайд этилишича, вилоятимизда доимий яшовчи 3 миллион 911 минг кишининг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжи ҳисоб-китоб қилиниб, етиштирилган ортиқча маҳсулотларни қайта ишлаб истеъмол бозорига, шу жумладан экспортга чиқариш режалаштирилган. Бу борада 2021 йил ҳосили учун ноябрь-декабрь ойларида фермер, деҳқон хўжалиги ва аҳоли томорқаларида тўқсонбости усулида сабзавот экинларини ўз вақтида ва сифатли экилиши бўйича зарур чоралар кўрилмоқда. Шунингдек, чорвачиликни ривожлантириш борасида ҳам келгуси йил учун истиқболли лойиҳалар ишлаб чиқилган.

Бироқ муҳокамалар давомида ҳоким ўринбосари сессияга зарур даражада тайёргарлик кўрмаганлиги қайд этилди. - Сиз аниқ маълумот беринг, қачон, қайси маҳсулотнинг нархи қанча бўлади? - деди Э.Турдимов.

Сессияда 2021 йил апрель ойида ушбу масалада вилоят ҳокими ўринбосари ҳисоботини яна эшитишга қарор қилинди.

ИЧИМЛИК ВА ОҚОВА СУВ ТАРИФЛАРИ ЎЗГАРАДИ(МИ?)

"Самарқанд сув таъминоти" масъулияти чекланган жамияти директори К.Юсуповнинг "2021-2023 йилларга мўлжалланган ичимлик суви таъминоти ва канализация тизимини комплекс ривожлантириш дастури"га киритилган лойиҳалар ҳамда ичимлик суви ва канализация хизматлари тарифлари юзасидан тақдироти муҳокама қилинди.

Унда қайд этилишича, 2020 йилнинг биринчи ярим йиллигида ичимлик суви бўйича 30 миллиард 613 миллион сўм даромад қилинган. Унинг 28 миллиард 689 миллион сўми харажатларга сарфланиб, 1 миллиард 924 миллион сўм соф фойда олинган. Оқова хизматлари бўйича 7 миллиард 69 миллион сўм даромад олинди, 33 миллиард 386 миллион сўм харажат ҳисобланган. Оқибатда биринчи ярим йиллик 26 миллиард 317 миллион сўм зарар (рентабеллик даражаси -500,3 фоиз) билан яқунланган.

К.Юсуповнинг билдиришича, амалдаги тарифлар орқали олинаётган даромадлар корхонанинг қундалик мажбурий тўловлари учун ҳам етмайпти. Амалда эса эскирган тармоқлар ва иншоотларни янгилаш, насосларни энергия тежовчиларига алмаштириш

каби муҳим вазифалар турибди. Шу боис, корхона даромадини ошириш ва хизматлар сифатини яхшилаш мақсадида тарифлар, яъни нархни ўзгартиш таклифлари ишлаб чиқилмоқда.

Таклифлар тегишли тартибда навбатдаги сессия муҳокамасига киритилади.

МАКТАБЛАР ОЧИЛИШИГА ОТА-ОНАЛАР НИМА ДЕЙДИ?

Вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғи С.Усмонов вилоятдаги мактабларда янги ўқув йилига кўрилган тайёргарлик ҳақида ахборот берди. Шунингдек, 25-26 август кунлари барча туман, шаҳарлардаги умумтаълим мактаблари ўқувчиларининг ота-оналари иштирокида ўтказилган сўровнома натижаларига тўхтади.

Сўровномада вилоят мактабларида таълим оладиган 732 минг 470 нафар ўқувчининг 674 минг 530 нафари (92 фоиз) ота-онаси иштирок этган.

Мактаблар ўз фаолиятини анъанавий шаклда сентябрь ойидан бошлашига сўровномада қатнашган 466 минг 671 нафар (69 фоиз) ота-она ижобий фикр билдирган. Шунингдек, 207 минг 859 нафар (31 фоиз) ота-она ўқишни бошламаслик тарафдори бўлган.

Атрофлича муҳокамалардан сўнг, сессия ишида пандемия шароитида мактабларда ўқув машғулотларини бошлаш учун зарур чора-тадбирлар белгилашиб, масъулларга тегишли топшириқлар берилди.

ДЕПУТАТ СЎРОВИГА МУНОСАБАТ ЎЗГАРИШИ ШАРТ

Сессияда ахборот берган раҳбарларга депутатлик сўровларига жавоб қайтармаганлиги ҳам эслатилди.

Хусусан, 1-Богйобанд сайлов округидан вилоят Кенгаши депутати Бадриддин Насриевнинг таъкидлашича, Самарқанд шаҳридаги Зарафшон маҳалласи аҳли ҳудуддаги сув минорасини таъмирлаш ва янгилаш учун барча зарур жиҳозларни келтирган.

Аммо зарур ишларни амалга ошириш учун тегишли руҳсатнома ва малакали мутахассислар зарур бўлмоқда. Бу борада ҳудуддан сайланган депутат сифатида сўров йўллаган Б.Насриев аҳоли олдида мулзам бўлиб қолаётганлигини қайд этди.

Шунингдек, 52-Тойлоқ сайлов округидан депутат Лола Рустамова вилоят халқ таълими бошқармасига округ ҳудудидаги мактаблардан бирини таъмирлаш ва қўшимча синфхона қуриб бериш бўйича депутат сўрови юборган. Мазкур сўровга асосли тушунтириш ёки жавоб берилмаётгани сабабини сўради.

- Кенгаш котибияти томонидан ҳар бир депутатлик сўров назоратга олинди, унинг ижроси ташкил қилиниши шарт, - деди Кенгаш раиси Э.Турдимов. - Кенгаш, унинг депутатлари билан муносабатини энди тубдан ўзгартириш керак.

ТАШКИЛИЙ МАСАЛАЛАР КЎРИЛДИ

Сессия ишида шунингдек, депутатлик ўрни бўшаб қолган 35-Мирбозор ва 50-Дўстлик сайлов округларида 4 октябрь куни сайлов ўтказилиши белгиланди.

Халқ депутатлари вилоят Кенгашига сайлов ўтказувчи вилоят сайлов комиссияси ҳамда Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати - Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг депутатлар гуруҳи таркибига ўзгартиш киритилди.

Э.МАРҚАЕВ.

Шундай муқаддас мавзулар борки, улар ҳақида сўз кетганда чуқур мушоҳада юритиб, мулоҳаза қилиб, далилларга асосланиб гапириш талаб этилади. Масалан, мустақиллик мавзуси. Бу борада сўз айтишнинг масъулияти бор. Чунки, сўзловчи истиқлол шарофатини аввало, теран ҳис қилмоғи лозим. Озодлик нақадар тотли сўз эканини юрак-юракдан англамоғи даркор.

Бугунги доруламон замонлар ўз-ўзидан рўёбга чиқмаганини, осмондан тушмаганини, унинг замирида гаровга тикилган ҳаёт, заҳматли меҳнат, гоёлар тўқнашуви, тинчлик ва осейишталигимизга таҳдидлар, барқарорлигимизга хуружлар, жаҳолатга қарши кураш ва бошқа кўплаб жараёнлар мавжуд эканини билмоғи керак. Бунинг учун эса мамлакатимизнинг мустақиллик йиллари босиб ўтган масофаларига теран кўз билан қараш, шунинг баробарида унинг энг яқин ўтмиши мустақиллик давридаги тарихи нечоғли аянчли бўлганини англаш талаб этилади. Муқояса, таққослаш орқали ҳақиқат рўёбга чиқади.

Ўтган тузумда юртимиз икки қарра қақшатқич қатагонлар даврини бошидан кечирганини кўпчилик билади. Мустақиллик даврида туғилиб, вояга етган ёшларимизга эса билмаганларини айтиш бизнинг бурчимиз. Чунки истиқлолнинг қадрига етиш учун ҳам ўтган кунлар ҳақида маълумотга эга бўлиш зарур.

Тарихдан маълумки, инсоният ўтмишида ўрта асрларда Европада амалга оширилган инквизиция, ўзининг даҳшатли жазо машинаси билан жуда кўп олим уламоларни қирғин қилди. Шаққокларни аниқлаш, даҳрийликка

МУСТАҚИЛЛИК – МУҚАДДАС МАВЗУ

барҳам бериш шиори остида фаолият кўрсатган бу кампания Европа тараққиётини бир неча юз йил ортага суриб ташлагани баайни ҳақиқат.

Ўтган асрнинг 37-йилидаги қатагонлари чин маънода халқимиз бошига солинган инквизиция даҳшатларининг тақрорланиши бўлди, десак муболага бўлмайди. Чунки инквизиция даҳрийликка қарши кураш ниқоби остида амалга оширилган бўлса, шўро тузумининг жазо машинаси "халқ душманлари"га қарши кураш шиори билан майдонга чиқди. Асл ғаразли мақсадни шу йўл билан ҳаспўшлади. Омманинг ўз кирдикорларига нисбатан хайрихоҳлигини уйғотди, эътирозларга ўрин қолдирмади. Шу йўл билан миллатнинг ўз сўзи, ўз фикрига эга бўлган фарзандлари судсиз, сўроқсиз қатл қилинди. Мамлакатнинг тақдирини қўлдан кўришидаги одамлар

қўлида қолди. Сабаби, бундай кишиларни бўйинтуруқсиз ҳам бошқариш осон кечарди.

Бундан қўзланган асосий мақсад, юртимизни асосан хомашё базасига айлантириш бўлган. Тарихимиз, тилимиз, маданиятимизга беписанд қараш, уни тескари талқин қилиш тажрибаси қўлланилган. Муддао буюк бобокалонлар ҳар соҳада дунёга ибрат бўлган элли асосан қишлоқ хўжалик ишларига жалб этиш, уларнинг орасидан доврқли шахсларни ўстирмасликка қаратилган.

Ўзбекининг ўзлигини англашига хизмат қиладиган барча қадриятлари таъқиллангани бугун ҳеч кимга сир эмас. Худди инквизиторлар каби оммавий ахборот воситалари, босма нашрлар устидан қучли цензура назорати ўрнатилган.

3-саҳифа >>>

Суратларда акс этган тарих

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 29 йиллиги ҳамда Мирзо Улуғбек мадрасаси ташкил этилганининг 600 йиллиги муносабати билан Регистон майдонидаги Мирзо Улуғбек мадрасасида "Самарқандда таълим тарихи" ҳамда Шердор мадрасасида "Суратларда акс этган тарих" номли кўргазма очилди.



Кўргазманинг очилиш маросимида вилоят ҳокими Э.Турдимов, Самарқанд давлат университети ректори Р. Холмуродов ва бошқалар тадбир иштирокчиларини Мустақиллик байрами билан табриқлаб, Мирзо Улуғбек мадрасаси ўз даврининг мукамал олий таълим маскани бўлиб, ўзига хос университет вазифасини бажарганини таъкидлади. Улуғбек мадрасаси

Регистон майдонидаги энг қадимий мадраса ҳисобланиб, бу иншоотнинг қурилиши Самарқандга ўрта аср Шарқ фанининг асосий марказларидан бири сифатида шухрат келтирган.

- Кўргазманинг айнан Мирзо Улуғбек мадрасасида ташкил қилинишидан мақсад, теурийлар даврида илм-маърифатга, меъморчиликка бўлган юксак

эътиборни кўрсатиш, - дейди Регистон ансамбли мустақил дирекцияси директори Хонқул Самаров. - Самарқанддаги Регистон мажмуаси шаҳарсозлиқнинг мукамал намуналаридан бири бўлиб, ундаги иншоотлар асосан таълим-тарбия, илм-фан, маданият ва санъат ривожига қаратилган. "Самарқандда таълим тарихи" кўргазмасида XIII асрдан

ҳозирги давргача Самарқандда таълим тизими ривожланиш динамикаси хронологик тарзда яратилган.

Шердор мадрасасида ташкил этилган "Суратларда акс этган тарих" номли фото кўргазмада XIX асрнинг охири ва XX асрнинг бошларига оид расмлар жамланган.

Бахтиёр МУСТАНОВ.

МУКОФОТЛАР МУБОРАК!

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2020 йил 26 августда қабул қилинган «Мард ўғлон» давлат мукофоти билан тақдирлаш тўғрисида»ги қарорига кўра, ўзининг билим ва иқтидор, интилувчанлиги ва ташаббускорлиги, ҳалол ва самарали меҳнати билан Ватанимиз тараққиётига муносиб ҳисса қўшиб келаётган фидойи ва мард ўғлонлар "Мард ўғлон" давлат мукофоти билан тақдирланди. Улар орасида вилоятимиздан қуйидагилар бор:

НУРУЛЛАЕВ Ҳасан Жўрабек ўғли - Нарпай туманидаги 64-умумий ўрта таълим мактабининг 8-синф ўқувчиси
ШАРИПОВ Расул Шокир ўғли - Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизматининг чегара қўшинлари взвод командири

Президент Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 27 августда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг йигирма тўққиз йиллиги муносабати билан фан, таълим, адабиёт, маданият, санъат ва оммавий ахборот воситалари соҳалари ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида»ги фармонида кўра тақдирланганлар орасида вилоятимиздан қуйидагилар бор:

"ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ УСТАСИ" фахрий унвони билан
АСАДОВ Миржамол - Республика "Хунарманд" уюшмаси аъзоси, ёғоч ўймакорлиги устаси

"ЭЛ-ЮРТ ҲУРМАТИ" ордени билан
МУҲИДДИНОВ Муслиҳиддин Кутбиддин - Самарқанд давлат университетининг мумтоз адабиёт тарихи кафедраси профессори

"ДЎСТЛИК" ордени билан
ҚОДИРОВ Баян - Ургут тумани маданият бўлими қошидаги мақом тўғараги раҳбари

"СОДИҚ ХИЗМАТЛАРИ УЧУН" медали билан

МИРЗАЕВ Манучехр Бобораҳимович - вилоят ҳокимлиги ахборот хизмати раҳбари

"СОҒЛОМ ТУРМУШ" медали билан
ТУГАНОВА Барно Асроровна - Пайариқ туманидаги "Манзурабону" нодавлат таълим муассасаси раҳбари

"ШУҲРАТ" медали билан
УМАРОВА Анзират Очилловна - вилоят мусиқали драма театри вокал артисти

2-саҳифа >>>

МУСТАҚИЛЛИК – МУҚАДДАС МАВЗУ

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

Омма эркин сўзлаш, кенг қамровли фикрлаш ҳуқуқидан маҳрум қилинган шароитда маънавий юксалиш ҳақида гап бўлиши мумкинми – йўқ, албатта! Оқибатда биз майда-чўйда мавзулардагина сўзлашадиган, глобал масалаларда фикрлаш имкониятидан мосуво бир миллатга айлана бордик – қадрсизландик.

Ҳар бир соҳада сунъий тўсиқлар, сан-салорликлар одатий ҳолга айланган эди. Илми ҳақиқатлар одамлар кучли таъсир ва ваколатга эга бўлганлари боис, босар-тусарини билмай қолганлар. Кўпнинг манфаати уларни қизиқтирмаган. Ишни "Ўзим хон, кўланкам майдон" қабилида ташкил этганлар. Бу халқни мутеликда ушлаб туришни режа қилганлар учун айни мuddо бўлган, албатта.

Шўро ҳокимияти Иккинчи жаҳон урушида қозонган ғалабасидан сўнг, қирғин сиёсатини бир мунча юмшатгандек бўлди. Аммо, мана шу юмшоқлик замирида ҳам мустамлакачилик сиёсатининг сиёғи сезилиб турган. Вақти-вақти билан миллат маънавиятининг ўсув нуқталари "чеканка" қилиб турилган. Энг ачинарлиси, бу пайтга келиб ҳинд халқининг атоқли ёзувчиси Робиндранад Тахур таъбири билан айтганда, шўро сиёсати миллий манфаатларинизга аввалгидек ҳамла қилмаса ҳам, олдга силжисин деб олдимизга тўсиқ қўйиб қўйган.

Аввалбосдан учкунни алангага айлантиришни касб қилган бу тузум, ўтган асрнинг 80-йиллари ўрталарида яна қатагон сиёсатининг чўғини алангалатди – яна бир қарра ўзининг ҳақиқий башарасини намойиш этди. "Пахта иши" деган айбона билан халқимиз бошига мусибатли кунларни солди. Кўндан бери чанг босиб ётган жазо машинасини яна ишга қўшди. Ноҳақ "қама-қамалар" авжига чиқди. Марказдан адолат посбонлари сифатида келган "десантчилар" билган номаъқулчиликларини қилдилар – халқни хоҳлаганча таладилар. Ўзимиздан чиққан кўланка кўришидаги каслар уларга кўмак бериб туриш



ди. Марказдан келган "ваколатли вакиллар" кўп ноҳақликларини уларнинг қўли билан амалга оширди – керагида қўллаб-қувватлаб турди. Вақти келганда айбни уларнинг бўйнига ағдаришди.

Яқинда ўша пайтдаги "машҳур десантчи"лардан бири Гдлян, матбуотдаги чиқишларининг бирида: "Биз Ўзбекистонда беш-олтита йирик жиноятларни очишдагина иштирок этганмиз, холос, қолганини ўзларининг одамлари қилишган", деб ўзини оқлашга уринди. Буни қандай тушуниш керак? Наҳотки, ҳайвонот оламига хос бўлган "агротомия ҳодисаси" одамлар орасида ҳам мавжуд бўлса! (Баъзи бир мавжудотлар ҳаётига ҳавф сезилса маълум бир тана аъзосини бой бериш эвазига ўзини ҳавфдан халос этади. Масалан, калтакесаклар думини ташлаб қочади. Актинийлар пайпаслагичларидан, қисқичбақалар қисқичларидан воз кечадилар. Фанда ана шу ҳолат "агротомия ҳодисаси" деб аталади).

Гарчи таъсир доираси заифлашган бўлса-да, ҳали марказ мавжуд эди. У яна бир қарра юртимиз ҳудудида учкундан аланга чиқариш режасини тузиб турарди. Миллатларо зиддиятлар, диний можаро чиқариш, минтақада ўзаро кескинликни вужудга келтиришни мўлжаллаганди. Мана шундай

мураккаб вазиятда мамлакатимизнинг янги раҳбари Ислам Каримов ҳаётини гаровга қўйиб, ноҳақликларга барҳам бериш талаби билан чиқди. Марказнинг муросага белмаслиги аён бўлган, иттифоқдоша республикалар орасида биринчилардан бўлиб юрт мустақиллигини эълон қилди. Таъбир жоиз бўлса, ўрта асрлар Европада амалда қўлланган инквизициянинг, шўро тузumi трансплантация қилиб қўлланган ноҳақликлари мазкур журъат туйфайли барҳам топди.

Дастлабки пайтда бу журъатни ҳамма ҳам бирдек англамагани рост. Қизиққонликка йўйганлар ҳам, ҳадемай вазият яна ўз ҳолига қайтишига, "эски тос эски тослигича қолишига" ишониб, сўз сўзлаган, жиддий бир ҳаракат қилишдан тийилиб турганлар ҳам бўлган. Чунки, собиқ иттифоқда ўзаро иқтисодий алоқалар шундай йўлга қўйилган эдики, бир-бировнинг кўмагисиз боши берк кўчага кириб қолиш турган гап эди. Шунинг учун ҳам истиқлолнинг дастлабки кунлари, Ватанимиз омборларида бор-йўғи 3-4 кунга етадиган ғалла захираси билан қийин шароитда қолган. Бошқа соҳаларда ҳам мана шу сингари сакталиқлар вужудга келган. Аммо доно раҳбар бошчилигида халқимиз ўзи танлаган мустақил ривожланиш йўлидан қайтмади, чеккадан берилган алдовларга

чалғимади. Тарихан жуда қисқа мuddатда салмоқли натижаларни қўлга киритишга муваффақ бўлди. Жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрнимизни топдик. Эндиги вазифамиз эса ана шу жойимизни мустақамлаш, муваффақиятларимизни кўз қорачигидек асраш, бунёдкорлик салоҳиятимизни юксалтиришдан иборат. Зотан, "биз ҳеч кимга қарам эмасмиз, қарам бўлмаймиз ҳам!" Мана шу ғурур ва ифтихор туйғуси устувор бўлган кўнгиллар мустақилликнинг қадрини теран ҳис қилишига шубҳа йўқ.

Ушбу ҳаёт ҳақиқатининг нақадар муҳимлигини англаб етган халқимиз, стратегик фикрлаш қобилиятига эга, ташаббускор, инсонпарвар ва адолатли юртбошиси Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида миллий тараққиётнинг сифат жиҳатидан янги босқичига мустақам қадам қўйди.

Миллий тикланишдан миллий юксалиш сари юз тутган Ватанимиз – Ўзбекистоннинг янгилаётган қиёфасини шакллантириш, халқаро майдондаги нуфузини юксалтиришга қаратилган инсонпарвар ислохотларни амалга оширишга астойдил киришди. Бу ислохотлардан кўзланган асосий мақсад мамлакат аҳолисининг олий қадрият деб эътироф этилган конституциявий ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, қонуний манфаатларини ҳамда ҳаётдан рози бўлиб яшашини таъминлашдан иборат этиб белгиланди.

Ушбу мақсадга эришиш, аввало, узоқ йиллар давомида тўпланиб қолган, халқимизни қийнаб келатган ижтимоий-иқтисодий муаммоларни аниқлашдан бошланди. Барча вилоят, туман ва шаҳарларда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналари ташкил этилди, мурожаатларни қабул қилишнинг электрон тизими, виртуал қабулхоналар, халқ билан бевоқиф мулоқот йўлга қўйилди. Бугун халқ дардини, муаммосини ечиш учун, юмшоқ курсидан тушиб, салқин хонадан чиқиб, халқнинг олдига келиш, уйма-уй юриб дардини тинглаш, муаммосини ўрганиб, ечим топиш, пировард натижада халқни рози қилиш давлат идоралари ва барча раҳбар ходимларнинг биринчи галдаги вазифасига айланди. "Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак", деган инсонпарвар ғоя давримизнинг асосий шioriга айланди.

Бугунги кунда халқимиз, айниқса, аҳолининг кам таъминланган қатламлари, ёш оилалар учун арзон ва шинам уй-жойлар қуриш дастури давлат томонидан изчил амалга оширилмоқда. Рақамларга эътибор

қаратсак, биргина жорий йилда ана шу дастур бўйича қишлоқ жойларда 12 мингдан зиёд, шаҳарларда 18 мингдан ортиқ кўп-хонали уй-жойлар барпо этилаётгани, 2 минг 400 га яқин ижтимоий объект, жумладан, 427 та боғча, 477 та мактаб, 216 та соғлиқни сақлаш, 29 та жисмоний тарбия ва спорт муассасаси ва 100 га яқин бошқа турли иншоотларда қурилиш-монтаж ишлари олиб борилмоқда.

Давлат хизматлари агентлиги фаолиятининг йўлга қўйилгани фуқароларнинг давлат органлари билан ўзаро муносабатларидаги қанчадан-қанча сарсонгарчилигининг олдини олди, вақтинчи тежади, энг асосийси, бюрократия ва коррупцияга барҳам берилапти.

Иқтисодий ислохотлар, туризмни ривожлантириш, қишлоқ ҳўжалигини модернизация қилиш, озик-овқат хавфсизлигини таъминлаш, солиқ юкени камайтириш, валюта бозорини эркинлаштириш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, имтиёзли кредитлар ажратиб, янги-янги иш ўринларини яратиш орқали аҳолининг банд бўлмаган қатламларини доимий иш билан таъминлаш натижасида ишсиз оилалар учун доимий даромад манбалари яратилиб, камбағалликни қисқартиришга эришилмоқда.

Ижтимоий ҳаётимизнинг турли соҳаларида ижобий самара бераётган бу каби ислохотларни ҳозир бирма-бир санаб, адоғига етиб бўлмайди, аммо катта йўл бошида турганимизда бундай эзгу ишларнинг амалга ошишига ишончсизлик билан қараганлар ҳам бўлди.

Бугун юртимизда олиб борилаётган инсонпарвар ислохотлар кўлами ниҳоятда кенг. Уларнинг самараси туйфайли оддий одамларнинг ҳаётдан розилик даражаси ортиб, эртанги кунга мустақам ишончи пайдо бўлмоқда.

Шу билан бирга, ҳали ечимини топмаган муаммолар, халқимизни ўйлантираётган масалалардан ҳам кўз юмиб бўлмайди. Бунинг учун ҳар бир инсон боқиминдалиқ кайфиятини мутлақо тарк этиб, масъулият ҳиссини туймоғи, аҳиллик билан астойдил меҳнат қилмоғи, эртанги тараққиётга ишонч билан қарамоғи лозим. Зеро, эртанги кунга ишонч, фидойилик, аҳиллик, садоқат ва тинимсиз меҳнат – буюк мақсадларга етишнинг бирдан-бир тўғри йўлидир.

Худоёр МАМАТОВ,

Марказий сайлов комиссияси Котибиятининг раҳбари, юридик фанлари доктори, профессор.



ЖАМОАТЧИЛИК назорати, биз уни қандай ўзлаштирамиз?

Янги Ўзбекистон ҳақидаги тасаввурларимиз кундан кунга теранлашиб, ёрқинлашиб борапти. Ҳар бир соҳа ходими, ҳар бир фуқаро ўз соҳаси ва ҳаётида бўлаётган ўзгаришларни сеза бошлади. Аслида янги Ўзбекистон ғоясининг моҳияти оддий: инсон ўзини-ўзи, жамиятни эса унинг аъзолари бошқариши керак. Бошқариш эса жамиятнинг оғир-енгили, увол-савобини зиммага олиш дегани. Давлатимиз раҳбарининг "Энди ислохотлар ташаббускори давлат эмас, жамият бўлади, раҳбарлар фаолиятига халқ баҳо беради" деганда ана шу шioriни назарда тутган.



Жамиятни бошқариш давр талаби бўлиб, унга шаклланидан жараён, яъни бунинг учун муайян ижтимоий тартиб юзага келиши зарур. Ижтимоий тартиб ўрнатишнинг ижтимоий регуляторлари бор: бири – ҳуқуқ, иккинчиси – ахлоқ. Одамлар ўртасидаги муносабатлар ана шу икки омилга риоя этиш билан белгиланади.

Ижтимоий тартиб инсоният учун қанчалик муҳим бўлмасин, уни таъминлаш муаммо бўлиб қолмоқда. Шунинг учун барча вақтларда донишмандлар "Қандай қилсак жамиятда тартиб бўлади?" деган саволнинг жавобини топишга ҳаракат қилишган. Буюк юнон файласуфи Платон ўзининг "Давлат" асарида ушбу саволнинг жавобини қидириб, жамиятда тартиб бўлиши учун жамиятни интеллектуал элита бошқариши керак, деган. Аристотель эса "Сиёсат" асарида "Жамиятда тартиб бўлиши учун ўрта синф кучли бўлиши керак", деб ёзади. Шарқ донишмандлари ушбу саволнинг жавобини маънавий юксаликда кўришган. Конфуций таълимотида ҳам, Абу Наср Фаробий асарларида ҳам ижтимоий тартибнинг ўрнатилиши маънавий юксалик билан боғлиқликда кўрилган. Инсониятнинг ижтимоий тартибни ўрнатиш борасидаги ҳаракатларига қарамасдан ушбу муаммо ҳали-ҳануз ўз ечимини топа олгани йўқ.

Бунинг сабаби, бизнинг назаримизда, назорат фаолиятининг самарасизлиги билан боғлиқ бўлмоқда.

Назорат тизими ҳуқуқ ва ахлоқ меъёрлари бузилганда жазонинг муқаррарлигини таъминлашга қодир эмаслигида. Бунинг сабаби эса ҳуқуқ ва ахлоқ меъёрларини бузган одамда пора бериб жазодан қутулиб қолиш, назоратни амалга ошираётган субъектларга эса пора бериш имкониятининг борлиги. Демак, ижтимоий тартибнинг барқарорлигини таъминлашда асосий тўсиқ порахўрлик, яъни коррупция иллоти бўлмоқда. Бунинг сабаби, назорат тизимида қуйидан амалга ошириладиган жамият назоратининг заифлигида, заифлиги боиси эса жамиятда назорат фаолиятига доир билим етарли эмаслигида.

Ана шу жиҳатдан олганда Самарқанд давлат университетидега ижтимоий назорат фанидан дарслик яратилганини ва қарийб ўн йилдан буён олийгоҳда бу фандан таълим берилаётганини маъқул иш деб, профессор Ф.Набиевнинг бу мавзудаги маърузалари жамоатчилик томонидан қизғин кутиб олинганига гувоҳман.

Назорат тизими коррупцияни тўхтатишга қодир эмаслигининг сабабларидан яна бири жамиятдаги бефарқлик кайфияти ҳисобланади. Дарсликда назорат фаолиятини самарали бўлишига хизмат қиладиган бефарқликни жиловлаб, дахлдорлик ҳиссини шакллантириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилган. Дарслик назорат тизимини самарали қилишга тўсиқ бўлган ҳар иккала сабабини, яъни назорат фаолия-

тига доир билимнинг етарли эмаслигини ва бефарқлик кайфиятини жиловлашга хизмат қилиши билан аҳамиятлидир.

Узоқ йиллар давомида ижтимоий тартибнинг ўрнатилиши давлат назоратига боғлиқ деб ҳисоблаб келинди. Лекин тарих шундан гувоҳлик бермоқдаки, фақат давлат назорати билан ижтимоий тартибни ўрнатиб бўлмайди. Буни шўролар мамлакатни раҳбарияти ҳам англаб, жамият назоратини ташкил қилиш учун 1979 йилда "Халқ назорати тўғрисида"ги қонун қабул қилган эди. Лекин бу қонун асосида ташкил топган Халқ назорати комитетлари жамият назоратини ташкил қила олмадилар. Чунки ҳар қандай фаолиятни амалга ошириш учун ўша фаолиятга доир билим керак бўлади. Шўролар замонда эса халқда назоратга доир билим етарли эмас, чунки бундай билимни берадиган фанлар ўқитилмас эди. Бугунги кунда ҳам жамиятга назорат фаолиятига доир билимни тўла тарзда берадиган фан ўқитилмайди. Бундай билимни ижтимоий назорат фани бера олади.

Ижтимоий тартибни ўрнатилишида назорат фаолиятига доир билим билан биргаликда бефарқлик кайфияти жиловланиб, дахлдорлик ҳиссининг шаклланиши ҳам талаб қилинади. Назоратга доир билим қанчалик муҳим бўлмасин, бефарқлик кайфияти бўлган ҳолда назорат фаолияти самарали ишлаймайди. Чунки бефарқ одамнинг миясидаги назорат фаолиятига доир билим амалиётга татбиқ қилинмай қолиб кетади. Бефарқликни жиловлаб, дахлдорлик ҳиссини шакллантириш киши маънавиятини юксалтириш билан боғлиқ жараёндир. Дарсликнинг аҳамияти шундаки, унда маънавиятни юксалтиришга хизмат қиладиган йўналишлар, ғоялар ҳам муҳимлашган.

Ижтимоий назорат фани берадиган билимларни жамиятга кенг тарғиб қилиш бугунги куннинг долзарб вазифаси. Чунки у берадиган ижтимоий тартибдан давлат ва жамият бир хил манфаатдордир. Ушбу қўлланмани амалиётга татбиқ этиш мамлакатимизда адолатли ижтимоий тартибни ўрнатишга қодир бўлган назорат тизимини шакллантиришда ўзини муносиб ўрнига эга бўлишига ишонаман. Шунинг баробарида Олий таълим вазирлиги ва ОТМ раҳбарларига ушбу янги фани барча олийгоҳларда жорий этиши ташкил тақдир. Зеро, давлатимиз раҳбари айтганидек, "Кучли фуқаролик жамияти барпо этишда жамоатчилик назоратини тизимли йўлга қўйиш энг мақбул йўлдир. Бу – жаҳон тажрибасида синовдан ўтган йўл.

Ўзбекистон халқига мурожаат қилиб айтмоқчиман: демократик ислохотлар йўли – биз учун яққо ягона ва энг тўғри йўлдир".

Фармон ТОШЕВ.

Ўзбекистон давлат мустақиллигини қўлга киритганига 29 йил тўляпти. Бу мuddат давомида сарҳадларимиз дахлсизлигини ҳимоя қилувчи асосий куч ва воситада қандай ўзгаришлар амалга оширилди? Тизим қандай имкониятларга эга бўлди?

Ватан сарҳадларини кимлар, қандай қўриқлаяпти?



Мустақиллик байрами арафасида ана шу саволларга жавоб излаш, уларни ҳолисона таҳлил қилиш фойдадан холи бўлмайди. Негаки, катта авлод вакиллари яхши билади: собиқ иттифоқ даврида йигитлар армияга боришмасди, ундан қолши ҳаракат қиларди. Чунки ўша даврда ҳарбий хизматчилар орасида ижтимоий-маънавий муҳит мутлақо издан чиқиб кетганди.

Бугун аксинча, йигитлар мuddатли ҳарбий хизмат учун саралаш босқичларидан ўтишга йиллар давомида тайёргарлик кўрмоқда. Негаки, мустақиллик йилларида, айниқса, кейинги 3-4 йилда Ватан ҳимоячилари учун катта имконият ва имтиёзлар берилмоқда. Энг муҳими, тизимда жанговар шайликни ошириш учун кенг кўламли ишлар амалга оширилди.

Савол туғилиши табиий, натижа нима бўлди? Бугун барчамизга аёнки Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари нафақат Марказий Осиё, балки минтақадаги энг кучлилардан бири саналади. Ҳарбий хизматчиларимиз ҳатто жаҳон миқёсидаги беллашувларда ҳам совринли ўринларни эгаллаб, Амир Темура, Жалолиддин Манғуберди сингари буюк аждодларининг муносиб ворислари эканлигини амалда исботламоқда. Бу эса, табиийки, чегараларимиз дахлсизлиги ишончли қўлларда эканлигини билдиради.

Сирожиiddинбек ЧОРИЕВ, Самарқанд ҳарбий прокуратураси терговчиси, адлия капитани.

Маҳмудхўжа Беҳбудий географ бўлмаган

аммо ўзидан қимматли географик мерос қолдирган

Кўпчилик Маҳмудхўжа Беҳбудийни буюк маърифатпарвар, Туркистондаги жадидчилик ҳаракати йўлбошчиларидан бири, янги мактаб ғояси яратувчиси ва амалиётчиси, ўзбек драматургияси асосчиси, театр саҳналаштирувчиси, биринчи ношир сифатида билади. Лекин Беҳбудийнинг география фанига доир илмий мероси ҳам бор.

Жумладан, Беҳбудий «Рисолаи жўрофия Русий» (Россия географияси, 1904), «Рисолаи жўрофия умроний» (Аҳоли географиясига кириш, 1905), «Мунтахаби жўрофияи умумий» (Қисқача умумий география, 1906) каби асарларида ўзининг географик қарашларини баён этган. «Мунтахаби жўрофияи умумий» асарининг кириш қисмида «Отяга (қуйида) – баён бўлган фан ва илм тўғрисида биз хануз комил эмас, навқадамиз», дейди. Шунингдек, «...яна жўрофияи олам ва аҳволи замон бу олами рўзгорни инқилоби ва улуши асрия фунуна замониани тараққийси ила ҳар он тағёр топаду», деб камтарлик билан хокисорона географик олам тўғрисидаги тушунча ва унинг тамойиллари ўзгариб боришини китобхонга етказиб беради.

Беҳбудий «География» атамасига изоҳ бериб: «Жўрофия деган сўзнинг маъноси, юнон луғати арабияча таърифи арз маъносига, яъни ер ва туфроқни баён қиладурган илми айтладур», дейди. Беҳбудий таърифида кўра, география ер шари ва унинг тузилиши (яъни, тупроғи) нимадан иборат эканлигини ўрганувчи фандир. Бугунги кунда «География» сўзи (грекча «гео» - ер ва «графо» - ёзаман, тасвирлаб ёзаман) бирлик сонда ишлатилганлигидан бу сўз биргина фаннинг номини англатар экан, деб тушуниш мумкин. Ҳақиқатда эса бу сўз табиий ва ижтимоий фанларнинг маълум гуруҳини билдиради.

Маҳмудхўжа Беҳбудий «Жўрофия илмини нега навъ ҳолда ва баёнлари бўладур. Анга қараб ушбу илмга тейишли баён ва фанлар бир неча исм ила аталаду», дейди. Жумладан, ер шакли (гавад, ҳажм)дан осмон ила ер орасидаги ҳосияти ва осмондаги нимарсалар ила инобатни ва ҳаракатидан баён қиладурган илм «Жўрофияи риёзий» ерининг ҳосияти, туфроқ паст ва баландлиги, ҳар хил гиёҳ ва конлари, тоғ, дарё, кўл, мижоз ва ҳавосидан қилатурган илм «Жўрофияи табиий» аталаду. Ер юзидаги катта ҳодисалар ила уруғ, ҳукуматдорлик, ҳулоса ва бошқа илми ушбу илмга баён қилиб, жўрофия калимасини охирига қўшилишига таълуқ илм ва фани оти қўшиладур», дейди ва «Жўрофияи тарихий», «Жўрофияи сиёсий», «Жўрофияи умроний» ва бошқаларни мисол келтиради.

Умуман, жўрофия қачон пайдо бўлган? Маҳмудхўжа Беҳбудий ўз асарларида жўрофия фанининг пайдо бўлиши ва ривожланишига доир бир қанча маълумотларни келтириб ўтади. Жумладан, унинг ёзишича: «...тарих ва жўрофия китоблари ёзилибдурки, жўрофия илми илк мартаба Миср мамлакатига Ҳазрат Мусодан илгари сиръавнлар замонида бошланиб, ер, туфроқ, денгизлар борасига баёнотлар ёзилиб, харита – картага ўхшаш «планлар» ихтиро бўлинганлиги маълум бўладур. Чин мамлакатига ҳам ушбу илм сироят қилиб йу деган подшо Хитой мамлакатига хариталарини чиний косалар устига нақш қилдирибдур. Сўнгра ушбу илм юнон халқига сифат қилиб, ала заминига ривож топибдур».

Беҳбудий Арасту, Страбон, Клавдий Птоломей каби олимлар ишларини таҳлил қилиб, уларнинг географик қарашларини ўрганиб чиқади.

У «Мунтахаби жўрофияи умумий» асарида буюк географик кашфиётлар даврини таърифлаган. Жумладан, «Аваллиги замонларга оти эшитилмаган Америка (Америка), Пулинзия (Полинезия), Орази Қутбий (Ернинг қутблари) ва минглар ила жазираларни топиб, ҳозирги барча мамлакат ва жазира (орол) ва денгизларни масофати (ўлчови) ила ҳаммага билинмаги боис бўлдилар. Дунё илми бирдан ривож топди. 898 санаи ҳижрияга фаранги тоифасидан Христофор Колумб деган илми риёзийга доно ва денгиз сафарига мохир боруб, Америка ерларини топди».

Маҳмудхўжа Беҳбудий ўз асарларида ўша даврда Европа мамлакатларида география жамиятлари тузилганлиги, унинг аъзолари ва географиянинг пайдо бўлиши, ривожланиш босқичларини ифода қилади. Бундан ташқари, бутун дунёда «География жамияти» ташкилоти тузилганлиги, унинг аъзолари сони ниҳоятда кўп эканлигини, ҳар бир жамият аъзолари географик янгиликларини етказиб туришини изоҳ қилади.

Беҳбудий «Жўрофияи ўқимокни нафъи» асарида айнан географ бўлмасда география фанини ўқимокнинг фойдасини, география ва унинг илмларини улуғлайди. Бу борада «қодам боласини қанча илми зиёда бўлса, дунё, тарих, жўрофия илмидан хабари бўлса шунча яхшидур. Бу илм одамга бутун дунёни ва кўп нимарсаларни билдирадур. Дунё одамларини дин ва маъзаби, тириклик ва рафтори, тараққий ё таназзул сабаби, яхши ва ёмонликлари, мамлакатларни тинч ва осейиш ё зулм ва жаврга турғони, бутун аҳоли дунёни, подшоларни қуввати, давлати, одамларни одати, ер юзини аҳолини билдирадурган ушбу илмдур» деб одамларни географияни ўқишга даъват этади.

Бундан ташқари, ер юзида одамларнинг жўрофия илмига қизиқиши, фақат туркистонийлар бу илмдан бебаҳра эканидан афсусланиб, сувда сузувчи пароход, поездлар, самолёт орқали узок йўлларнинг яқин



бўлгани ва бошқа янги географик кашфиётларни айтиб ўтади.

Беҳбудий табиатдаги циклик ва ритмик ҳодисаларни, яъни ерни ўз ўқи ва куёш атрофидаги ҳаракати натижасида ҳосил бўладиган географик ҳодисаларни куйидагича таърифлайди: «Ёйинки ерни ўртаси хатти истивора (қиём, туш вақти), кеча ва кундуз доим баробар бўлган сувратга, бизни Туркистонга на учун гоҳ узун ва қисқа бўлуб, кунимиз 9 ила 15 соат орасига юрадур? Ҳар қанча ерни шимол ё жанубидаги чет (қутб)ларига қараб борилса, кун ва ётун улайдур. Қутблар тарафида бир-икки, ҳатто, 6 ойгача кун ботмайдур. Петурбург шахрига қиш олти соат, ёз 19 соат кундуз бўлиб тураду (бу ерда Беҳбудий қутб кунини ва тунини назарда тутган) сабаби нима деб, бир киши сўраса ёйинки бир ой кун ботмайдурган жойга мусулмонни ибодатлари ва амри наҳйини қандай баржой келтуруладур? Ёйинки на учун кеча ва кундузни фарқи ер ила осмончадур? Ҳар шахарни тул ва гуруҳи (кун чиқиси ва унинг ботиши назарда тутилмоқда) не учун олдин ва кейиндур деб сўралса, бизлар, хусусан, уламомиз на жавоб берармиз? Билмаймиз, ёйинки «ундай бўлмас керак»дан бошқа жавоб айтолмас керак. Бу саволларга жўрофия ўқимагунча жавоб бериб бўлмайдур ва жўрофия илми жавоб берадур».

Буюк маърифатпарвар ер айланганда нега устидагиларининг йиқилмаслигини «Мунтахаби жўрофияи умумий» асарида турли табиий географик ҳодисаларга боғлаб ифода этади. Ер ўз ўқи бундан фарбдан шарққа қараб айланишини ва сутка деб аталадиган давр давомида бир марта айланиб чиқишини таъкидлайди.

Биз, Самарқанд давлат университети олимлари маърифатпарвар ёзиб қолдирган илмий меросини ўрганишимиз ва таҳлил қилишимиз жараёнида унинг географик қарашларини нечоғли кенг ва серкирра бўлганлигига гувоҳ бўлдик. Қолаверса, ушбу мақоламизда Беҳбудий географик меросининг бир қисминигина таҳлил қилдик, холос.

Субҳон АББΟΣОВ,
география фанлари доктори,
профессор.
Бахтиёр МЕЛИЕВ,
география фанлари
номзоди, доцент.



Мақоланинг тўлиқ шаклини куйидаги QR-код орқали zarnews.uz саҳида ўқишингиз мумкин

ИЛМНИ ҚЎЛГА ОЛМОҒУ, ФУНУНИ, ДАВЛАТНИНГ ЛИСОНИ ВА ЗОКУНИ

Газетамизнинг шу йил 23 июль, 82-сонида тошкентлик жадид Саттор Жаббор (1905-1938)нинг 1931 йилда Субутой имзоси билан ёзган «Куртулуш йўлинда» китобида каттақўрғонлик биринчи жадид шоир Муҳаммад хожи Мурод ўғли Мирий ҳақидаги воқеалардан парча келтирган эдик. Бу гал муаллифининг жадид муаллим Саидахмад Ҳасанхўжа Сиддиқий Ажзий тўғрисидаги қисмини келтираемиз.

«Адабиётда Мирий тарафидан бошланган бу уйғониш ҳаракати Туркистоннинг бутун мадрасаларида сонсиз дўстлар тўпламишти. Буларнинг энг муҳими машҳури ва Мирийнинг ҳалафи асли Туркистон шахриндан бўлган Саид Аҳмадхўжа Сиддиқийдир. Сиддиқий 1895 йилда Бухорода Мирий билан танишди. У ерда онинг нуфуз ва таъсири остида бир кўп шеърлар ёса-да мутаассиб уламо ва қозиларнинг қўлидан жонини кутқармоқ учун уларни ёқмоққа мажбур бўлди. Сиддиқий бу ишда муваффақ бўлмак учун ҳар ерга бош уруб кўрди. Охири 1898 йилда мажбур юртини тарк этиб, «мамалики Османия»да йилларча маъмуран яшади. Сиддиқий ортиқ юртига қайтишдан умидини узгани учун у ерда ёзган шеърларини усмонли туркчасида ёзганди. 1901 йилда, яъни устози Мирий вафотидан уч йил ўтиб Туркистонга қайтиш имкони бўлди ва бундан кейинги шеърларини яна ўзбек туркийсидида ёзади. Сиддиқий ёлғиз бир шоир эмас, айни пайтда қувватли бир ташкилотчи ва яна бир ўткир муҳаррир эди. Шу сабабдан халқнинг эҳтиёжларини яқиндан кўра билди. Туркистоннинг Чор Россиясига томонидан истило этилишига Ватанинг тараққийдан ортада қолиши ва иқтисодий таназзули сабаб бўлганига ишонарди. Шунинг учун Ғарб маданиятини халққа танитмоқ ниятида Самарқандда «Зарифшон» номида бир кутубхона таъсис этди ва унинг воситасида кўплаб китоблар нашр этиб, тарқатди. Сиддиқий ижоди тадқиқ учун жуда қизиқарли ва фойдалидир. Оврўпо техникасидан илҳом олмоқ ва уни тамсил этмоқда устози Мирийдан ҳам кўпроқ муваффақ бўлди. Тарих ва жўрофияга оид ёзган асарларини бир тарафга қўйиб, фақат шеърятига тўхталамиз:

Буюк Амир Темурнинг курган буюк ҳукуматининг маркази бўлган «Кўкшаҳар» – Самарқанднинг бугунги ҳолини жуда гўзал тасвир этар. Чор ҳукумати тарафидан иншо этилмакта бўлган янги шаҳарда, рус мухожирот сиёсатига оид бу шеърни язар:

*Масжид ерига ўлиб калиса,
Бир янги шамоил ила барпо,
Дарё қадар ўлуб иморат,
Ўлмиш эди бўйла зебу-зийнат,
Йиғилмиш эди кўп анда инсон,
Лекин йўқ эди бир мусулмон...*

Шу тариха бу севиқли шоир ҳақиқий турк ўғлига ярашадиган шаклда халққа ҳайқиради:
*Ўлдим бу йўнда маюс,
Этмиш эдим англамақдан номус.*
Сиддиқийнинг Қрим, Рус-Япон, Болқон муҳорибаларига оид кўп муҳим шеърлари бордир. Буларнинг орасида унинг Туркистон учун майдонга отган тўрт ўғитига қараймиз:
*Тўрт нарса менга бундан эрди мақсуд,
Бундан бўлур халқ бахти масъуд,
Илми кўлга олмоғу, фунуни,
Давлатнинг лисони ва зокуни*
(* зокун, русча қонун демакдир).

Бу тўрт ўғит ҳақиқатан у даврнинг жуда машҳур мавзуси бўлганди. Сиддиқий яна халқни тижоратга ташвиқ этиш учун шундай дейди:

*Бу жумла тижорат балоси
Дунёнинг тижоратдир баҳоси!*

Бу тушунчалар у замондаги Туркистоннинг уйғониш даражасини ўлчамак учун бир воситадир. Айнан ўша замонда Сиддиқий ижодиёти унинг замондош шоирлари орасида энг кучлиси ва энг қимматлиси бўлганини кўрсатади.

Сиддиқий ҳаётининг сўнгги йилларини миллий ташкилотга хизмат қилмоқ ва муаллимлик билан машғул бўлди. Лекин унинг сўнгги йилларида ҳаёти қашшоқликда кечди. Бутун ҳаёти ва қалбини турк олами учун бахш этган Сиддиқий 1927 йилда Самарқанд атрофидаги бир қишлоқда вафот топди. Унинг турк уйғониш адабиётида тутган юксак мақоми йиллар ўтиб янада яхши англашилажақдир».

Шу ўринда Ажзий ҳақида қисқача тўхталсак. Саидахмад Ҳасанхўжа ўғли Сиддиқий Ажзий (1864-1927) Самарқанд, Бухоро мадрасаларида ўқиган. Мадрасада араб, форс, озарбайжон тилларини, кейинроқ рус тилини мукаммал ўрганган. 1901-1903 йилларда Кавказ, бир қатор араб мамлакатлари ва Россияга саёҳат қилган. Жиддада маълум муддат рус элчихонасида таржимон бўлган. Самарқандга қайтгач, 1903 йил Ҳалвойи қишлоғида янги усулдаги мактаб очиб, ўқитувчилик қила бошлаган.

Унинг 1912 йил «Анжумани арвоҳ» («Арвоҳлар йиғини») достони, 1914 йил «Ганжини ҳикмат» («Ҳикмат ҳазинаси»), «Мирьоти ибрат» («Ибрат ойнаси»), 1916 йил «Айн ул-адаб» («Одоб чашмаси») каби шеърый тўпламлари нашр қилинган. «Анжумани арвоҳ»да хонлиқдаги турғунлик танқид қилинган. «Мирьоти ибрат»да эса Туркистоннинг ўша даврдаги фожиали аҳволи ва ундан қутулиш чоралари ҳақида баҳс юритган. Жадид мактаблари учун дарслик ёзиб, унга ўз таржималаридан намуналар киритган.

Сиддиқий 1917 йил февраль инқилобидан кейин ижтимоий ҳаётда бевоСИТА иштирок этди. 1918-1921 йилларда вилоят Адлия комиссари лавозимида ишлади. 1922 йилдан яна ўқитувчиликка қайтиб, 1926 йил Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи унвонини олган. Самарқандда «Машраб», «Мулла Мушфиқий» каби ҳажвий журналлари, «Зарифшон» газетасини чқаришда фаол иштирок этди. «Майна», «Гина-гина», «Шашпар», «Тир», «Гумном», «Олмос» имзолари билан ҳажвий асарлар ёзди.

Баҳром ИРЗАЕВ,
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори.

Нуробод туманининг Жом қишлоғида яшовчи Алишер морбоз ҳайвонот боғи очибди. МОРБОЗдан матонат ва



Самарқанд-Қарши катта йўлининг четида жойлашган тўрт томони қирларга туташган жойда мўъжизадай порлаб турган гўша ўтган-кетганни ўзига тартади. Маҳаллий ҳайкалтарош ишлаган турли ҳайкаллар – бўри, турна, сув фариштаси ўзига хос чиройли, кўнгила яқин. Яхши-да, юртингда қўлигул, кўнгли гул шундай ижодкорлар борлиги. Ўша маҳаллий ҳайкалтарошни бошқа кўнгилочар гўшаларга таклиф қилиб, фойдаланса, арзийди. Бу гапни унинг ишлари айтиб турибди. Алишер Ерматов ўзи яратган гўшага уни таклиф қилиб, савоб иш қилибди.

Болалар ва катталар яйраб, хордиқ чиқарадиган майдонда, дам олиш учун ўриндиклар, манзарали, доимо яшил дарахтар ва ноёб гуллар, фаввора (ичида сув париси ҳам бор) ёнидан ўтиб, қафаслар ёнига яқинлашамиз.

Бошланишдаги қафасда сизни бўри қутиб олади. Шу ерда бўрилар ҳақидаги эртаклар, афсоналар ёдга тушади.

– Бўрининг ёнидаги итми? – таажужланамиз...
– Ҳа, таваккал қилиб, кичкина кучукчани ёнига киритган эдик. Иккови дўстлашиб кетди, – дейди Алишер. – Кучукчага раҳми келди шекилли... Мана

икки йил ўтди, бирга яшапти. Бўрининг ҳаракатларини узок томоша қиламиз. Уям бизга бироз тикилиб, нарига кетди. Ўртадаги темир панжаралар энг яхши ҳимоячи эканини сезиб турибмиз. Биз одимлашда давом этамиз. Чиябўри, жайралар, денгиз чўчқалари, олмахон, какликлар,

беданалар, укки, турли канорейкалар, бургутлар, лочинлар, жўрчи қўш, эчкиэмар каби 30 дан ортиқ парранда-ю даррандаларни учратамиз. Қанотларини кериб, солланиб товуслар ўтади у ёқдан бу ёққа. Илонлар сақланадиган қафас Алишер морбознинг энг севилими бурчаги. Бу ердаги илонлар бир

неча хил. Асосий қисми уйда. Юздан ортиқ, бир-биридан даҳшатли илонлар, энг захарлилари бор. Алишер Ерматов қишлоқ хўжалик институтини тамомлаган, у ҳақида фильмлар яратилган, китоблар ёзилган. Унинг илонларга муносабати, кашфиётлари алоҳида мавзу. Хорижликлар илон захри билан даволашни ҳамкорликда олиб боради, келинг, деганларида ҳам рози бўлмади. Ўзимнинг ватанимда, юртдошларимга ёрдам бераман, деди.

Аммо ҳозир гап Алишер морбознинг табиатга, ҳайвонот дунёсига меҳри, мана шу меҳрни ёшлар қалбига синдириш йўлидаги саъй-ҳаракатлари ҳақида.

– Қишлоқда яшовчи ёшларимизнинг ҳаммаси ҳам катта шаҳарларга бориб, ҳайвонот боғларини томоша қилиш имконига эга эмас. Баъзилари тоғли жойларда яшаса ҳам, ёнларида яшаётган ҳайвонот олами ҳақида етарли билимга эга эмас. Шу сабаб ёшларимизга билганларимни билдиргим, табиатга меҳр уйғотгим келди, – дейди у.

Сув келмаган даштлар орасида ҳайвонот боғи, болалар ўйингоҳи яратгунча, 70 сотих ерни боғу роғга айлантиргунча 2 миллиард сўмдан ортиқ пул сарфланди. Унинг ғояларини тadbиркор укалари Собиржон ва Бахтиёр Ерматовлар, профессор опаси, қишлоқ хўжалик фанлари доктори

Самарқанд мусиқа маданияти – Мирзо Улуғбек даврида

Буюк алломалар Муаммад ал-Хоразмий, Абу Наср Форобий, Аҳмад ал-Фарғоний, Абу Али ибн Сино, Пахлавон Маҳмуд, Умар Хайём, Мирзо Улуғбек, Абдурахмон Жомий, Алишер Навоий, Заҳриддин Муҳаммад Бобур, Нажмиддин Кавкабий, Дарвеш Али Чангий ўзларининг рисолаларида ижрочилик санъати, мусиқа илми ва тарихий қонун-қоидаларига оид қимматли маълумотларни баён этган.

Ёзма манбаларда Мирзо Улуғбек даврида йирик бастакор созандалардан Сайфиддин Найи ва Қутби Найи, Саид Юсуф (қўбуз), Дарвишбек каби машҳур санъаткорлар эътироф этилган. Мовароуннахр маданияти ва санъати, айниқса, Амир Темур ва теурийлар даврида юксакликка кўтарилган. Ўша даврнинг машҳур мусиқачиси Хожа Абдулқодир Мароғий (1340-1435) Амир Темурнинг таклифи билан Бағдоддан Самарқандга кўчиб келган.

Шу даврда яратилган миниатюраларда мусиқа асбобларидан, ҳатто жангу жадалларда ҳам фойдаланилганлигини

кўрсатувчи тасвирлар бор. Масалан, Шарафиддин Али Яздийнинг машҳур «Зафарнома» асарига чизилган бир қатор миниатюраларда тасвирланган жанг сахналарида карнайчилар тасвирланган. Расмларда уч хил карнай тасвирини кўриш мумкин: биринчиси, кенг оғизли тўғри қувурсимон карнай, иккинчиси, нисбатан торроқ оғизли тўғри қувурсимон карнай, учинчиси эса «s» шаклдаги торроқ оғизли карнай. Шубҳасиз, турли шаклдаги карнайлар турлича овоз чиқарган ва бир неча хил оҳангларда чалиш мумкин бўлган. Улар жангларнинг марказий бошқарув



нуктасида, яъни қўмондонлар ёнида турган. Фикримизча, бу карнайлар воситасида қўшиннинг ҳаракати бошқарилган. Масалан, кенг оғизли карнайлар чалинганда отлик қўшин жангга кирган, торроқ оғизли карнайлар чалинганда пиёдалар ҳужумга ўтган, «s» шаклдаги карнайлар эса камондан ўқ узишга даъват этган.

Шунингдек, шохона базм тасвирланган миниатюраларда бир неча созандаларни, дутор чалаётган қанотли парини кўриш мумкин. Мирзо Улуғбек даврида машҳур «Шошмақом» ва «Дувоздаҳмақом» каби

йирик мусиқий туркумларнинг шаклланиш жараёни бошланди ва бу туркумлар кейинчалик мақомнинг Фарғона – Тошкент, Самарқанд ва Хоразм йўлларининг шаклланишига замин яратди. Шу аснода дунёга келган мақом йўллари қарийб олти юз йилдирик, мумтоз ўзбек қўшиқчилиги ва мусиқа санъатининг шох асарлари сифатида қадрланиб ижро этилмоқда. Мана шу даврда яшаган Зайнулобиддин Хусайний «Қонун-и илми ва амали мусиқа» асарини ёзган ва илк маротаба мана шу асарда дутор тўғрисида маълумот берган.

Тарихий манбаларда, олим Мирзо Улуғбек Тарағайнинг «Рисола дар илми мусиқа» («Мусиқа илми ҳақида рисола») китобининг «Дар баёни дувоздаҳ мақом» (ўн икки мақом зикрида) бобида шундай фикрлар келтирилади: Хожа Абдулқодир ибн Абдурахмон Мароғий, Хожа Сайфиддин Абдулмумин, Султон Увайс Жалоирийларнинг сўзларига қараганда, аввалда мақомлар еттига бўлган: «Мақоми рост», «Мақоми Ушшоқ», «Мақоми Наво», «Мақоми Роҳоҳ», «Мақоми Хижоз», «Мақоми Ироқ», «Мақоми Хусайний». Яна ўшбу рисолада Мирзо Улуғбекнинг ўзи танбур ва ногорани жуда яхши чалганлигини, «Булужий», «Шодиёна», «Ахлоқий», «Табризий», «Усули равон», «Усулий отлиғ» сингари куйларни ихтиро қилганлигини ёзади.


Бахтиёр БОЛТАЕВ,
СамДУ мусиқа таълими кафедраси катта ўқитувчиси.

✓ Сиз нима дейсиз?

Илм ва ижод қилиш завқи ўзгача. Лекин бунга ташқаридан бошқа одамнинг қўшилиши завқни пасайтиради. Яқинда бир олимнинг ҳаммуаллифлик асосида мақола ёзиш маданияти, тўғривоғи, ахлоқига оид мақоласини ўқиб, муносабатимни билдиришга қарор қилдим.

Ҳаммуаллифликдаги илмий иш

ҚАНЧАЛИК ТЎҒРИ?



Катта устозлар "Илм тафаккурнинг акси, бадий асар қалбнинг ҳайкириги" деб таъкидлашар эди. Ҳақиқатан ҳам инсон ижод қилар экан ўзи билан ўзи ёлғиз қолади. Гоҳи Яратганга юзланади, гоҳи тафаккурига мурожаат қилади.

Мақола муаллифи тўғри таъкидлаганидек, илмий излашни олиб бораётган ёшлар эндигина илм эшигини тақиллатиб, катта майдонга кириб келади. Ёш тадқиқотчилар ўзлари танлаган мавзу ёки йўналишларда илмий излашни олиб боради, шу йўлда туртиниби, суртиниби, қимтиниби нималарнидир қозоғга туширишга ҳаракат қилади.

Илм дунёсида ўзлигини излаётган ёшлар албатта ёзган мақоласини қимгадир кўрсатади, боринги, мақолани чоп этмоқчи бўлган қаттиққўл ёки бир талай талаблари бор ноширлар тақрирлар талаб қилади. Шунда ёш тадқиқотчи, табиий устози ёки илмий раҳбарига мақоласини кўриб беришни илтимос қилади. Мақола яхши ёзилган бўлса унга "устозлар" ҳаммуаллиф қилишни таклиф этади. Профессор ёки таниқли олимнинг исми, шарифи ёш тадқиқотчининг мақоласи тепасида турса, гўёки катта обрў келади. Аслида ёш изланувчиларнинг мақолада кўтарган янги гоғялари, илмий қарашлари ёки ҳулосалари устознинг ҳам улушдорлигини кўрсатади.

Бугунги кунда илмий даража учун ёзилаётган илмий мақолалар ёки ихтиролар учун олинаётган патентларга устозлар шерик бўлиб қолмоқда. Ёшлар эса мақолаларига устозларнинг шерик қилмас, мақоласи чиқмайди ёки илмий тадқиқот натижалари ёруғлик кўрмайди.

Эйнштейндай буюк даҳо ўзининг "нисбийлик назарияси"ни ёшлигида яратган, уни йиллар давомида илмий доираларда баён қилган, ўз қарашларини тақдим этган. Гарчи олим олийгоҳда унга талай таъқиблар, қарама-қаршиликлар ва албатта ихтиросига шерик бўлишни истаганлар бўлса-да ўзининг мақолалари ёки асарларига устозлари, университетлар раҳбарларини шерик қилмаган. Эйнштейн шунинг учун ҳам даҳо бўлгандир.

Дунёни ўзгартирганлар айнан ёшлигиданоқ жамият кўз ўнгига намоён бўлишган. Ёшлар балки илмда ҳали гўрди, лекин улар ҳам изланишда. Ўзлари танлаган мавзулар бўйича илмий изланишлар олиб борар экан, кўплаб адабиётларни ўрганишларига тўғри келади. Устозлар наздида оддийгина бўлиб туялган мақолалари эртага йирик асарларга айланиши ҳеч гап эмас.

Бугун жамият, дунё ўзгарапти. Нашриётлар, журналлар мақолалар ва илмий асарларга талабларини қайтадан кўриб чиқишлари лозим. Таниқли олимларнинг бирорта мақоласи ёки асаридан ёшлар ўз ижод маҳсулларига иқтибослар киритмаса уларнинг илмий материаллари чоп этилмаслиги ёки диссертациялар ҳимояси даврида турли эътирозлар билдиришлари бекор қилиш керак. Масалан, ёш математик тадқиқотчи ўзининг илмий асаридан бирор-бир тенгламани янги усулда ечиш йўлини кўрсатиб, максдага эришса, унга қандай қилиб устози шерик бўлиши мумкин. Ёшларнинг илмий раҳбарлари, таълим муассасалари турли даражадаги раҳбарларнинг бундай амалиётдан узоқроқ бўлишларини истар эдим.

Мақола ёки бошқа илмий асар юқорида таъкидлаганимиздек, инсоннинг қувватишлари, илмий изланишлари ва тафаккури мевасидир. Яратилган янги гоғя ва қарашлар ёки ҳулосалар фақат унинг яратувчисига тегишлидир. Бу талаб Ўзбекистон Республикасининг "Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида"ги қонунда ҳам қатъий белгилаб қўйилган.

Катта марраларни мақсад қилиб олган эканмиз, илм йўлида шижоат билан меҳнат қилаётган ёшларимизни иззат қилайлик, мустақил ҳар бир яратган асарларига ҳурмат билан қарайлик. Улар яратган илмий натижаларга шерик бўлишнинг ҳам чегараси бор. Илмда ахлоқ ва одоб қоидаларини қўллаш ҳам маданият. Ёшларга мустақил ижод қилишлари учун шароит яратайлик, уларни қўллаб-қувватлайлик. Зеро, бугунги ёшлар эртанги олимлардир.

Бобоқул ТОШЕВ,
юридик фанлар доктори.

Эҳ, ёшлар, ёшлар!

Сиртдан билинмаса-да аслида ишсизлик, боқимандалик, ёшларни ич-ичидан жудаям қаттиқ эзади, ғурурларини букади, олижаноб орзуларини яқсон этиб, қалбларида тобелик, қарамлик ҳисларини уйғотади. Бу жуда ёмон ҳол.

Ота-онанинг, муаллимларнинг, умуман, катталарнинг бола қалбини англамасликлари, уларни нималар қийнаётганини билмаслиги, тушунамаслиги эса янаям даҳшатлироқ.

Жаҳолат, жоҳиллик, илмсиз нодонлик балолари худди мана шудир. Бундай чоғлари ёшлар ўз ота-оналари, устозлари, қўйинги, борики катталардан табиий инстинкт тарзда тасалли берувчи йўл-йўриқ, маслаҳат, ширин сўзлар истаиди, кутади. Афсуски, ана шундай умид билан улар ёнига эмраниб борганларида бу орзу-истакларини чилпарчин этувчи қўпол муомала, тундлик, жеркиш, камситиш эшитишади. Бу ҳолатни ҳазрат Алишер Навоий бир қаторгина шеър билан ифодалаган: «Умид ила бордим, армон ила қайтдим»? Бунинг оқибати нима бўлади? Оқибат: ҳаммасига ёшлар айбдор, уларнинг ишсизлиги сабаб. Узида йўқ! У иш излаб қўл уриниб кўрди, бироқ ҳеч нарсага эриша олмади. Бор ишларга ҳам таниш-билиш, бўлса, озрок анови «қўқи»дан керак. Ҳеч жойда ишламагач, бола уни қаердан олсин? Уйига боришга ҳам уялади, чунки чўнтагида чақсиям йўқ, қуп-қуруқ. Ота-онага маслаҳат солай деса, жеркиниш, кўрслиқдан ўзга ҳеч нима олмаслигини билади ва... Ана шу дамда бу хил ёшлар қалбини қийнаётган ички дардларини, истак, режаларини тўғри тушунадиган кўмакчи куч керак уларга.

Бу ёшида ахир у катталар каби фикрлай олмайди, йўл-йўриғу ҳийла-найрагларни билмайди, бунга ҳаётий тажрибаси етмайди.

... Собиржон қалбидан уйғонган эзгу орзу-хаёли, умидлари билан катта тижоратчи бўлиб ишлайдиган, бой-бадавлат тоғасининг корхонасига иш сўраб борди. Тоғасининг корхонасида ўзига хос, мов пайвандчилик иши борлигини у биларди. Шу сабабли ҳам орага ҳеч қимми қўймай, тўғри кириб борди. Э, воҳ, бу ерда ҳам яна ҳар кун кулоқлари эшитадиган ўша эски гап: «Иш йўқ ҳозирча, хафа бўлма, хабар олиб тур».

Ҳа, ҳашамдор кабинетда ўтирган тоғаси, жигари унга такаббурларча бепишанд, совуқ қаради ва шундай совуқ рад жавоб берди.

Тоға ҳозир ўз жиянига ёрдам қилса ҳам, таскин-тасалли бериб тўғри йўл кўрсатса ҳам бўларди, бироқ у бунни истамади. Йигит мунғайиб ташқарига чиқди. Тоғасининг ишхонасида ишлайдиган оддий ишчилар ёнига бориб, суҳбат қилди ва ўқсиниб рад жавоби олганлигини айтди.

- Увв, сен – «хўжайин»га ҳеч қурса юз доллар «қўқи»дан узатганингда, ишинг хамирдан қил суғургандек битарди-қоларди. «Қўқи»дан берилмаса, ҳеч қимми ишга олмайди у одам, жўра!

- Ахир у тоғамку, онаминг акаси!..
Муродим УМРЗОҚОВ.

Каттақўрғонликлар радио эшитмайдами?

Аммо, 6-7 йилдан буён улар вилоят радиосининг эшиттиришларидан маҳрум. Ваҳоланки, қўшни Навоий вилоят телерадиокомпанияси ижодкорлари ҳар кун соат 15:30 дан соат 18:00 гача ўз эшиттиришларини биз, каттақўрғонликларга етказиб туришади.

Билишимизча, вилоят радиоси эшиттиришлари "Чўпонота" узаткич станциясига, у ердан Навоий вилоятининг Лангар тоғида жойлашган станция орқали Каттақўрғонга узатилади экан. Аниқроқ қилиб айтишга бўлса, каттақўрғонликларнинг радио тинглашлари Лангардаги узаткич навбатчиларнинг хоҳиш, кайфиятларига боғлиқ эмаш. Хўлас, асабузарлик давом этапти. Бу борада Самарқанд вилоят телерадиокомпанияси жамоасига ҳеч қандай эътирозимиз йўқ. Чунки уларнинг вазифаси эшиттириш ва кўрсатувларни сифатли тайёрлаш

✓ Мавзуга қайтиб...

холос. Уларнинг ижод маҳсулларини эфирга узатиш, тарқатиш учун яна бир масъул корхона ҳам бор. Биз бу корхонага мурожаат қилганимизда улар "Сиз бу муаммо бўйича республика



телерадио қўмитасига мурожаат қилинг. Улар маблағ топиб беришса янги узаткич антенна ўрнатиб беришга биз кафили", дейишди.

Бундан 5-6 ой олдин вилоят радиоэшиттиришлари учун Самарқанд радио канали очилганидан беҳад хурсанд бўлгандик. Аммо телевидение орқали очилган бу канал 1-2 ой ўтмасдан ёпилди. Техника ривожланаётган замонда 60-70 километр масофада жойлашган (Самарқанддан Каттақўрғонгача) радио тўлқинлари етиб келмасе-я? Аммо худди шундай масофада навоийликлар бизга ўз эшиттиришларини тиник етказиб туришибдику.

Бундан 2-3 йил олдин "шу мавзудаги лўқмам" Зарафшон газетасида ёритилганди. Аммо бу лўқмага жўяли жавобни ҳали ололганимиз йўқ.

Абдуазиз ҲОШИМОВ.

муҳаббат дарслари

Дилором Ёрматов қўллаб-қувватлаб турди. Моддий ва маънавий ёрдамларини аяшмади.

Дашту қирлар орасидаги боққа ташриф буюрганлар бир дунё лаззат олишлари турган гап. Болалар маза қилиб ўйнашлари учун боғ, ўйинчоқлар мавжуд. Яқинда ҳайвонот дунёси ҳақида фильмлар намойиш қилинадиган зал ҳам тайёр бўлади.

- Агар болалар, ёшлар боғимизга ташриф буюришса, уларга жоним билан ҳайвонот дунёси ҳақида қизиқарли дарс ўтиб бераман. Улар бу ердан кетар чоғида табиатнинг ажралмас бўлаги бўлган, биз билан бир заминда яшаётган ҳайвонлар билан дўстлашиб кетадилар, - дейди морбоз.

- Ён атрофда яна қурилишлар бошланяпти, шекилли.

- Ҳа, халқ табobati ва медицина йўналишида шиғоҳона очмоқчиман. Беморларни табиий шиғо воситалари ва илон захри билан даволашни йўлга қўямиз, насиб бўлса. Туркиялик машҳур доктор Ҳусейн бей Жомга келиб, мен бошлаган ишларни кўриб кетди. Юринг, шу ишларни Туркияда қилайлик, деди. Истасангиз келинг, Жомда бирга

ишлаймиз, дедим. У ҳамкорлик қилишга рози бўлди.

Алишер Ёрматов жуда кўп мамлакатларда сафарда бўлган. Сафарларида, энг аввало, морбозларнинг иши билан қизиқади. Улар Алишернинг илонлар билан тил топишиб кетганидан ҳайратга тушади. Шу пайтгача морбозни 26 марта кобра, 5 марта годюк чаққан. Ҳар гал ўлимдан қолган. Илон чаққан бармоқларни шафқатсиз равишда кесиб ташлаш, ҳамма ўлди, деб турган чоғда қайта тирилиш жараёнининг ўзи бир дoston. Жасорат ва мардлик достони. Мактаб ўқувчилари, коллеж ва лицей, олий ўқув юрти талабалари келиб, сабоқ олиб кетса, матонат ва ҳайвонот оламига муҳаббат дарсларини ўрганиб кетса арзийди. Ўттиз бир марта ўлимдан қолган морбознинг ҳаёти, амалга ошираётган ишлари бунга мисол.


Мустақил Ватан йўлида жон тикишинг усуллари кўп. Биров қўлига қурол олиб, биров тафаккур қилиб, биров дилида муҳаббат туйиб, юртининг саодати учун курашади. Алишер морбоз ҳеч қим бас келолмайдиган илонлар билан

тил топиб, уларга меҳр бериб, амрига бўйсундириб, захардан ноёб дорилар олиб курашади. Кобра ёки годюк бир марта чақса ўлдирари. Аммо Алишер 31 марта илон чаққанида ҳам ўлмади. Шу юртига, одамларига муҳаббати туфайли қайта-қайта тирилавверди. Қанча беморларни ҳаётга қайтарди, боғлар яратди, тап-тақир жойга жаннатнинг парчасини кўчириб келди.

Ҳар сафар ўлимнинг оғзидан қайтар, Ҳар сафар йўлимдан қайтман деб айтар. Ҳатар водийсига бораркан тикка, Жонин олсалар ҳам тушмайди чўкка.

Келинлар, азизлар, Жомда матонат ва муҳаббат сабоқлари ўтиладиган дарсни тингланг. Муаллим - Алишер морбоз Ёрматов!

Ҳосият БОБОМУРОВОДА,
шоира, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими.



Мақоланинг тўлиқ шаклини ўшбу QR-код орқали ўқишингиз мумкин.

БУГУННИНГ ГАПИ

Сиз ҳали яшашингиз керак!

Автотранспорт ҳаракатланиш воситаси, инсоннинг оғирини енгил, узоғини яқин қилишда беминнат кўмакчи. Аммо ундан тўғри фойдаланиб, ҳаракат хавфсизлигига қатъий риоя қилсангизгина сизга фойдали хизмат қилади.

Афсуски, кейинги пайтларда йўл транспорт ҳодисалари кўпаяётгани кишини ташвишлантиради. Бунинг сабаби, аввало, кўча ва йўлларнинг талабга жавоб бермаслиги, қатновнинг кескин ошиб бораётгани бўлса, бошқа томондан, кўпчилик ҳайдовчиларнинг йўл ҳаракати қоидаларига риоя қилмаслиги: тезликни меъёрдан ошириш, маст ҳолда машина бошқариш, техник носоз машинада йўлга чиқиш, ҳайдовчилик гувоҳномасиз рулга ўтириш, бошқарувни йўқотиш ва ҳоказолардир. Бироқ, барибир, бош сабаб, инсон омилли.

Йўл-транспорт ҳодисалари таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, агар том маънодаги ҳайдовчилик маданияти шаклланмас экан, ҳеч қандай қонун-қоида, назорат, жарима, чора-тадбир қўйилган натижани бермайди. Демак, ҳаракат иштирокчисига айланган ҳайдовчи, пиёда, йўловчи нафақат ўзи, балки бошқалар ҳаёти хавфсизлигига ҳам жавобгар эканлигини билиши керак. Акс ҳолда йўл ҳаракати билан боғлиқ фожиялар тўхтамайди.

Статистик маълумотларга кўра, шу йилнинг ўтган



даврида республикамизда автоҳалокатлар оқибатида 700 киши ҳалок бўлган, 1200 дан зиёд киши бир умр мажруҳ бўлиб қолган. Коронавирусдан 200 дан зиёд юрдошимиз вафот этгани ҳаммамизни чуқур қайғуга солган пайтда, автоҳалокат оқибатида шунча одамнинг ҳаётдан кўз юмиши нақадар даҳшатли.

Шундай даврда яшашнинг, йўл ҳаракати хавфсизлиги кундалик ҳаётимизда муҳим вазифага айланмоқда. Аммо уни тарғиб қилиш, фарзандларимиз онгига чуқур синдириш кўнгилдагидек эмас. Йўл ҳаракати қоидалари ҳамма оилада ҳам ўрганилмайди. Боғча ва мактабларда ўрганиш муҳим фанлар каторига киритилгани йўқ. Ҳаракат хавфсизлиги эса уни ҳар кунни ўрганишимиз, ҳар кунни амал қилишимизни тақозо этмоқда.

Тоғаймурод ШОМУРОДОВ.

Пайариқми, Пойариқ?!

Мен кўплаб газета-журналларнинг доимий муштарийларидан бириман. Мени кўп йиллардан буён айрим масалалар қийнаб келади.

1990 йилда Пойариқ тумани сув ҳўжалиги бошқармасига янги муҳр олиш учун эскиз тайёрлаган пайтимизда эскизни туман ҳокимиятидан тасдиқлаб олиш шарт экан. Эскизни тасдиқлаб олиш учун туман ҳокимининг ўша пайтдаги ўринбосарига олиб кирдим. У киши мен тайёрлаган эскиздаги Пойариқ сўзини Пайариқ деб тузатди. Иккаламиз анча тортишдик. Туман ўтган асрнинг 70-йилларидан буён Пайариқ деб ҳужжатлаштирилган, деб туриб олди. Мен ҳамма ҳужжатлар рус тилида юритилгани учун «Пайариқ» бўлиб кетган деб тортишдим. «Ёшлигимиздан кулоқларимиз радиодан Пойариқ сўзига ўрганиб қолган» дедим. Лекин Пайариқ деб муҳр олдим.

Газетамизда ҳам деярли ҳар сонда Пайариқ тумани ҳақида

мақола чиқади. «Яна Пайариқми» дейман. Пой билан пайнинг фарқи борадиган пайт келмадимикан? Болалиқдан эшитиб келганим Яқаншиқ қишлоғидан сал нарида Мирзаариқ билан Булғунғур ариқлари кесишар экан. Ўша жойдан Мирзаариқдан ўтган сув Пой канали деб аталади ва 27,4 км га оқади. У канални бир бой кампир туя етаклаб бориб (туялар сув юрадиган йўллари тезроқ кўрсатиб беришар экан деган фикр бор) ўша ердан туянинг изидан қадамлаб, яъни пойма-пой юриб, каналнинг режасини тузиб, ариқ қаздириб қишлоғига сув олиб борган экан, деб ота-боболаримиз айтишар эди. Шундан Пой ариқ сўзи пайдо бўлган. 60-йилларда қишлоқ марказидаги симёғочда 1 дона радиоканарнай бақириб турар эди. Ўша пайт туш чоғида айни

пахта мавсумида қишлоқ ҳўжалик ходимлари учун эшиттириш чоғида Пойариқ, Норпой туманларининг пахта тайёрлаш режасини бажарганликлари тўғрисида эшитганмиз. Норпой сўзининг ўзи ҳам туя қадамига тўғри келмайдими? Уни ҳам русчалаб Нарпайга айлантирдик. Ҳатто айрим донолар уни Нахрпайга ҳам айлантиришди. Шу аснода Тайлоқ ҳам Тойлоқ сўзидан келиб чиқмадими?! Вилоятимизда қанча тилшунос олимлар, мутахассислар бор. Шу масалада улар нима дейишар экан.

Раҳматулла ҚОРЖОВОВ, Пойариқ тумани, Хоса қишлоғи.

РЕКЛАМА, E'LONLAR, BILDIRISHLAR / Газетамиз ҳафтада уч марта – шанба, пайшанба ва шанба кунлари чоп этилади / Газетада чоп этилаётган реклама ва эълонлар тезкор, самарали ва ҳамёнбоп / МУРОЖААТ УЧУН ТЕЛЕФОН: (0366) 233-91-56

ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

АТ Халқ банки Самарқанд вилояти Иштихон филиали биносининг том қисмини жорий таъмирлаш ишларини бажариш бўйича қурилиш ташкилотлари ўртасида танлов эълон қилинади.
Объект номланиши: Самарқанд вилояти Иштихон филиали биносининг том қисмини жорий таъмирлаш;
Лойиҳа қиймати ҚҚС билан: 82 516 611 сўм;
Лойиҳа қиймати ҚҚСсиз: 71 753 575 сўм;
Ишни бажариш муддати: 30 кун;
Молиялаштириш манбаси: Халқ банкнинг ўз маблағлари;
Танлов комиссияси ишчи органи манзили: 140145, Самарқанд вилояти Самарқанд шаҳри Амир Темури кўчаси, 147-уй;
Мурожаат учун: Х.Сайидов, Телефон: +99866-237-86-07;
Танлов иштирокчиларига қўйиладиган талаблар: Танловда талаб қилинаётган шартлар асосида мазкур ишларни бажариш, товарларни ишлаб чиқарувчидан етказиб бериш бўйича Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги билан ман этилмаган маҳаллий ва чет эл юридик шахслари иштирок этиши мумкин.

Танлов билан боғлиқ ҳужжатлар: Порталга жойлаштирилган (https://exarid.uzex.uz/ru/competitive/lot/9089294).
Таклифларни тақдим қилиш муддатининг охириги санаси ва вақти: 2020 йил 4 сентябрь куни соат 16:06 гача.
Танлов таклифларини расмийлаштириш бўйича талаблар:
- танлов иштирокчиси биттадан танлов таклифини тақдим қилиши мумкин;
- тижорат таклифи ёпиқ конвертда, елимланган жойлари муҳрланган ҳолда тақдим қилиниши шарт;
- танлов таклифларидаги барча ҳужжатлар ўзбек ёки рус тилида таёрланган бўлиши лозим;
- танлов таклифлари қабул қилинадиган манзил: 140145, Самарқанд вилояти Самарқанд шаҳри Амир Темури кўчаси, 147-уй. Халқ банки Самарқанд вилояти филиали.
Танлов қуйидаги манзилда ўтказилади: Самарқанд вилояти Самарқанд шаҳри Амир Темури кўчаси, 147-уйда 2020 йил 7 сентябрь, соат 11:00 да.

АТ Халқ банки Самарқанд вилояти Пахтачи филиали маъмурий биносининг олд томони ҳудудини ободонлаштириш ишларини бажариш бўйича ташкилотлар ўртасида танлов эълон қилинади.
Объект номланиши: Самарқанд вилояти Пахтачи филиали маъмурий биносининг олд томони ҳудудини ободонлаштириш ишлари;
Лойиҳа қиймати ҚҚС билан: 107 752 714 сўм;
Лойиҳа қиймати ҚҚСсиз: 93 698 012 сўм;
Ишни бажариш муддати: 30 кун;
Молиялаштириш манбаси: Халқ банкнинг ўз маблағлари;
Танлов комиссияси ишчи органи манзили: 140145, Самарқанд вилояти Самарқанд шаҳри Амир Темури кўчаси, 147-уй;
Мурожаат учун: Х.Сайидов, Телефон: +99866-237-86-07;
Танлов иштирокчиларига қўйиладиган талаблар: Танловда талаб қилинаётган шартлар асосида мазкур ишларни бажариш, товарларни ишлаб чиқарувчидан етказиб бериш бўйича Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги билан ман этилмаган маҳаллий ва чет эл юридик шахслари иштирок этиши мумкин;

Танлов билан боғлиқ ҳужжатлар: порталга жойлаштирилган (https://exarid.uzex.uz/ru/competitive/lot/9089298);
Таклифларни тақдим қилиш муддатининг охириги санаси ва вақти: 2020 йил 4 сентябрь куни соат 16:53 гача.
Танлов таклифларини расмийлаштириш бўйича талаблар:
- танлов иштирокчиси биттадан танлов таклифини тақдим қилиши мумкин;
- тижорат таклифи ёпиқ конвертда, елимланган жойлари муҳрланган ҳолда тақдим қилиниши шарт;
- танлов таклифларидаги барча ҳужжатлар ўзбек ёки рус тилида таёрланган бўлиши лозим;
- танлов таклифлари қабул қилинадиган манзил: 140145, Самарқанд вилояти Самарқанд шаҳри Амир Темури кўчаси, 147-уй. Халқ банки Самарқанд вилояти филиали.
Танлов қуйидаги манзилда ўтказилади: Самарқанд вилояти Самарқанд шаҳри Амир Темури кўчаси, 147-уйда 2020 йил 7 сентябрь куни соат 11:20 да.

Икром НИЯЗОВ

Шафқатсиз ўлим тиббиёт соҳаси фидойиси, олий тоифали шифокор, тиббиёт фанлари номзоди Икром Ниязовни орамиздан олиб кетди.
И.Ниязов 1958 йилда Жомбой туманида таваллуд топди. Ўрта мактабни тугатгач, 1977 йилда Самарқанд давлат тиббиёт институтига ўқишга кирди. 1983 йилда ушбу олийгоҳни муваффақиятли тамомлагач, иш фаолиятини вилоят психоневрология диспансерида шифокорликдан бошлаб, узоқ муддат бўлим мудири вазифасида ишлади. Вилоят наркология диспансери бош врачининг ўринбосари, Самарқанд давлат тиббиёт институтини психиатрия кафедраси ассистенти, халқ депутатлари вилоят Кенгаши ижроия қўмитаси ижтимоий соҳа бўлимида соғлиқни сақлаш масалалари бўйича реферант бўлиб фаолият юритди.
И.Ниязов 1992 йилда Россия медицина фанлари академиясининг Томск филиали илмий кенгашида номзодлик диссертациясини ёқлади. У психиатрия соҳаси бўйича вилоят тиббий-мехнат эксперт комиссиясига 14 йил давомида раислик қилди. И.Ниязов кейинги йилларда “Доктор Ғулумов Медикал” хусусий тиббиёт давлош муассасасига раҳбарлик қилиб, аҳо-

лининг руҳий саломатлигини мустаҳкамлашга муносиб ҳисса қўшиб келаётган эди.
И.Ниязов ўзининг юксак инсоний фазилатлари, маънавий тафаккури юксаклиги, Ватанга фидойилиги, халқига садоқати, самимийлиги, одоб-ахлоқи, камтаринлиги, оилапарварлиги билан бошқаларга намуна эди.
У маҳалла ва меҳнат жамоасидаги барча тадбирларда фаол иштирок этиб келди. Қўни-қўшнилар, ёру-биродарлар, она-оғайнларнинг жонкуяри ва яқин кўмакчиси эди.
Содиқ дўст, ажойиб инсон, тажрибали шифокор Икром Ниязовнинг порлоқ хотираси қалбимизда мангу яшайди.
САМАРҚАНД ШАҲРИДАГИ “ДОКТОР ҒУЛУМОВ МЕДИКАЛ” ТИББИЁТ МУАССАСАСИ МЕҲНАТ ЖАМОАСИ, БИР ГУРУҲ ДЎСТЛАРИ.



Йиғилишда қатнашинг!
Пайариқ тумани Челақ шаҳарчаси, Истиклол кўчасида жойлашган «TURON SAVDO NON» масъулияти чекланган жамияти таъсисчиларининг навбатдан ташкари умумий йиғилиши 2020 йил 5 сентябрь куни соат 10:00 да жамият маъмурий биносида ўтказилади.

ДАЪВОЛАР БЎЛСА
Самарқанд шаҳар давлат хизматлари марказидан 2019 йил 8 майда 720727 реестр рақами билан рўйхатга олинган “ВАУМЕН ООО” оилавий корхонаси (қисқартирилган номи: “ВАУМЕН ООО” ОК) корхона таъсисчиларининг 2020 йил 27 августдаги қарорига асосан ихтиёрий равишда тугатилмоқда.
Шу муносабат билан унга билдирилладиган барча эътирозлар газетда эълон чоп этилгач, икки ой давомида қабул қилинади.
Корхонанинг почта манзили: Ўзбекистон Республикаси Самарқанд вилояти Самарқанд шаҳри Панжакент кўчаси, 282-уй.
Корхонанинг солиқ тўлайдиган идентификацион рақами (СТИР): 306403814.

Самарқанд шаҳар давлат хизматлари марказидан 2020 йил 22 февралда 819034 реестр рақами билан рўйхатга олинган “МОУКА ОСЕАН” масъулияти чекланган жамияти (қисқартирилган номи: “МОУКА ОСЕАН” МЧЖ) жамият ягона таъсисчисининг 2020 йил 27 августдаги қарорига асосан ихтиёрий равишда тугатилмоқда.
Шу муносабат билан унга билдирилладиган барча эътирозлар газетда эълон чоп этилгач, икки ой давомида қабул қилинади.
Жамиятнинг почта манзили: Ўзбекистон Республикаси Самарқанд вилояти Самарқанд шаҳри Панжакент кўчаси, 282-уй.

Жамиятнинг солиқ тўлайдиган идентификацион рақами (СТИР): 307164186.
Самарқанд шаҳар ҳокимлиги ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш инспекциясидан 2009 йил 30 ноябрда 5841 реестр рақами билан рўйхатга олинган «АТЗ ВАЗМ» масъулияти чекланган жамияти (қисқартирилган номи: «АТЗ ВАЗМ» МЧЖ) жамият ягона таъсисчисининг 2020 йил 26 августдаги 1-сонли қарорига асосан ихтиёрий равишда тугатилмоқда.
Шу муносабат билан унга билдирилладиган барча эътирозлар газетда эълон чоп этилгач, икки ой давомида қабул қилинади.
Жамиятнинг почта манзили: Ўзбекистон Республикаси Самарқанд вилояти Самарқанд шаҳри Наврўзи 3-тор кўчаси, 10-уй.
Жамиятнинг солиқ тўлайдиган идентификацион рақами (СТИР): 301388860.

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Жўраев Камолдин Мухиддинович нотариал идорасида марҳум Снитко София Павловнага (2020 йил 16 февралда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Ҳазратқулов Махмуд нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.
Манзил: Самарқанд шаҳри Амир Темури кўчаси, 36-уй.
Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Ҳазратқулов Махмуд нотариал идорасида марҳум Муллоджанова Қаноатга (2006 йил 8 апрелда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Ҳазратқулов Махмуд нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.
Манзил: Самарқанд шаҳри Амир Темури кўчаси, 36-уй.
Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Жўраев Камолдин Мухиддинович нотариал идорасида марҳум

Қодиров Улуғбек Толибович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.
Манзил: Жомбой тумани Сарой кўчаси, 15-уй.
Тойлоқ туманида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Ҳасанов Алоқиддин Ғиёсиддин ўғли нотариал идорасида марҳум Юсупов Туракул Гапуриновичга (2017 йил 11 апрелда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Ҳасанов Алоқиддин Ғиёсиддин ўғли нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.
Манзил: Тойлоқ тумани Тойлоқ шаҳарчаси.
Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Ҳазратқулов Махмуд нотариал идорасида марҳум Аҳмедов Давлат Насимовичга (2013 йил 10 февралда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Ҳазратқулов Махмуд нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.
Манзил: Самарқанд шаҳри Амир Темури кўчаси, 36-уй.
Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Ҳазратқулов Махмуд нотариал идорасида марҳум Муллоджанова Қаноатга (2006 йил 8 апрелда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Ҳазратқулов Махмуд нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.
Манзил: Самарқанд шаҳри Амир Темури кўчаси, 36-уй.
Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Жўраев Камолдин Мухиддинович нотариал идорасида марҳум

Суюрова Нодира Турсуновнага (2017 йил 17 апрелда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Жўраев Камолдин Мухиддинович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.
Манзил: Самарқанд шаҳри Ўзбекистон кўчаси, 35-уй.
Жомбой туманида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Азизов Джаҳонгир Илхомович нотариал идорасида марҳум Мурадovas Янгибай Шерназаровичга (2020 йил 24 февралда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Азизов Джаҳонгир Илхомович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.
Манзил: Жомбой тумани А.Қурбонов маҳалласи Сарой кўчаси.
БЕКОР ҚИЛИНАДИ
Самарқанд туманидаги Каюмов Шохрух Шухратович яқка тартибдаги тадбиркорининг (СТИР: 596766218) думалоқ муҳри ва бурчак тамғаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.
Манзил: Самарқанд шаҳридаги 52-ўрта мактабдан 1994 йилда Бакаева Наргиза Раҳимжановна номига берилган ВУ № 256179 рақамли таянч маълумот тўғрисидаги гувоҳнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.
Паст Дарғом туманидаги “Маданият Чимбойобод техникаси ММТ” масъулияти чекланган жамиятининг (СТИР: 206170784) думалоқ муҳри ва бурчак тамғаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.
Сиеб тиббиёт коллежидан 2019 йилда Собирова Ситорамо Съдиевна номига берилган рўйхат рақами 504, К № 576229 рақамли дипломи ва унинг иловаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.
Самарқанд шаҳридаги 45-умумий ўрта таълим мактабидан 2010 йилда Аллаяров Шохрухбек Нодиржонович номига берилган У № 4243185 рақамли умумий ўрта таълим тўғрисидаги шаходатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.
Паст Дарғом туманидаги 28-ўрта мактабдан 1994 йилда Махманазарова Дилафруз Нематовна номига берилган ВУ № 244255 рақамли таянч маълумот тўғрисидаги гувоҳнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.
Пайариқ туманидаги Норқулова Гулшоода Ахроровна яқка тартибдаги тадбиркорининг (СТИР: 532080536) думалоқ муҳри ва бурчак тамғаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.
Самарқанд шаҳридаги 52-умумий ўрта таълим мактабидан 2005 йилда Абдуллаева Дурдона

Одиловна номига берилган У № 1691768 рақамли умумий ўрта таълим тўғрисидаги шаходатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.
Самарқанд шаҳридаги 52-ўрта мактабдан 1994 йилда Бакаева Наргиза Раҳимжановна номига берилган ВУ № 256179 рақамли таянч маълумот тўғрисидаги гувоҳнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.
Паст Дарғом туманидаги “Маданият Чимбойобод техникаси ММТ” масъулияти чекланган жамиятининг (СТИР: 206170784) думалоқ муҳри ва бурчак тамғаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.
Сиеб тиббиёт коллежидан 2019 йилда Собирова Ситорамо Съдиевна номига берилган рўйхат рақами 504, К № 576229 рақамли дипломи ва унинг иловаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.
Самарқанд шаҳридаги 45-умумий ўрта таълим мактабидан 2010 йилда Аллаяров Шохрухбек Нодиржонович номига берилган У № 4243185 рақамли умумий ўрта таълим тўғрисидаги шаходатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.
Паст Дарғом туманидаги 28-ўрта мактабдан 1994 йилда Махманазарова Дилафруз Нематовна номига берилган ВУ № 244255 рақамли таянч маълумот тўғрисидаги гувоҳнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.
Пайариқ туманидаги Норқулова Гулшоода Ахроровна яқка тартибдаги тадбиркорининг (СТИР: 532080536) думалоқ муҳри ва бурчак тамғаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.
Самарқанд шаҳридаги 52-умумий ўрта таълим мактабидан 2005 йилда Абдуллаева Дурдона

Самарқанд давлат тиббиёт институти ректорати ва касаба уюшма қўмитаси институт оториноларингология кафедраси катта ўқитувчиси Алишер Ҳайитовга отаси **Адхам ҲАЙИТОВ**нинг вафоти муносабати билан таъзия изҳор этади.
Самарқанд давлат тиббиёт институти ректорати ва касаба уюшма қўмитаси институт давлош факультети акушерлик ва гинекология курси мудири, Самарқанд шаҳар 1-сон туғруқ комплекси бош врач **Гулнора ЖЎРАЕВ**анинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига ҳамдардлик билдиради.
Вилоят касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси кенгаши жамоаси Ургут тумани ҳокими Маматжон Турдиевга отаси **МУҚИМЖОН** отанинг вафоти муносабати билан таъзия изҳор этади.
Вилоят касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси кенгаши жамоаси Паст Дарғом тумани ҳокимининг иқтисодий масалалар бўйича ўринбосари Умид Назаровга отаси **ОРИФ** бобонинг вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради.
Давлат хизматлари агентлиги вилоят бошқармаси жамоаси Пайариқ тумани давлат хизматлари маркази етакчи мутахассиси **Жаҳонгир ТОШТЕМИРОВ**нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига ҳамдардлик билдиради.

САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ КАСАБА
УЮШМАЛАРИ ТАШКИЛОТЛАРИ
БИРЛАШМАСИ КЕНГАШИ



барча юртдошларимиз ва
соҳа ходимларини

**Мустақиллик
байрали**

билан табриклайди.

ҲАР БИР ХОНАДОНГА
ФАЙЗ-БАРАКА,
ТИНЧЛИК-ХОТИРЖАМЛИК
ТИЛАЙМИЗ!

САМАРҚАНД ШАҲАР
ТИББИЁТ БИРЛАШМАСИ
КАСАБА УЮШМА ҚЎМИТАСИ

барча ватандошларимиз
ва тиббиёт соҳаси
ходимларини юртимиз
мустақиллигининг

29

ЙИЛЛИГИ

билан
қутлайди.

УШБУ ҚУВОНЧЛИ
КУНЛАРДА БАҒРИКЕНГ,
МАТОНАТЛИ ХАЛҚИМИЗГА
САЛОМАТЛИК ТИЛАЙМИЗ!



ПАСТ ДАРҒОМ ТУМАНИ ТИББИЁТ
БИРЛАШМАСИ МАЪМУРИЯТИ

озод ва обод
юртимиз фарзандлари,
барча ҳамкасбларини
Истиқлолимизнинг

29 йиллик

шодиёнаси билан
табриклайди.

Она диёримиз истиндоби,
юртдошларимиз соғлиғи
йўлидаги хайрли ишларингизда
омад ёр бўлсин!

МАЪНАВИЯТ, МУНОСАБАТ, МУШОИРА

«Зарафшон» газетасининг шу йил 11 июль, 77-сонида «Товламачига эмас, тестга ишонинг» мақоласи чоп этилди. Унда юритилган мулоҳаза ва таклифларни ўқиб, ўз фикрларимни билдириш учун қоғоз қораладим. Зеро, айни пайтда абитуриентларнинг тест синовлари жараёнлари бошланадиган кунлар олдида турибмиз.

Акс-садо ташлаб келганман-ку) юқори лавозимлардан бирини кутяпман. Шу умид билан бир йилгача оддий ўқувчи бўлиб ишлаб юрдим. Ректор сўрамайди,

Товламачи ким – сохта домлами ёки ота-она?

Гап фарзандларимизнинг олий даргоҳларга кириб ўқиши, бунинг учун тест синовларининг адолатли бўлиши зарурлиги ҳақида борар экан, ўтган асрнинг 60-йиллари ўрталарида биз, абитуриентларнинг ўқишга кириш учун имтихон топширган-нимиз кўз олдимдан ўтди. Ўшанда мен 12 баҳо (у пайтда баҳо кўйиларди), кўпчилик эса 19-20 баҳо билан ўқинишга киргандик. Ўзимча «Олис кишлорлик, оддий бола бўлсам, менинг билимим бошқаларникидан паст-да, имтихонлар ҳаққоний ўтди», деб ўйлаганман. Лекин вақт ўтиб, курсдошларимнинг баъзилари ўқиш учун эмас, Тошкент давлат университетининг студенти деган ном учун ота-онасининг «кўмаги» билан талаба бўлгани аён бўлди. Улар лекцияларга қатнашмас, дарсларга тайёрланмас, ўқишни бир четга йиғиштиришганди.



ният кўпчиликини порахўрликка, жиноятга етаклайди. Оқибатда ота-она олийгоҳларда ишлаб танилган, қўлидан оз-мош иш келадиган «домла»ларга мурожаат қилади, ўз мақсадини, ўқишга кириш ставкасини белгилайди. Йўл-йўлакай билимгоҳнинг чаққон катта-кичиклари ҳам бу «иш»га бош қўшади, эҳтиёжманд ота-онани ишонтириб, катта ваъдалар беради. Хўш, айтингчи, бу ерда ҳақиқий товламачи ким? Сохта домлами ёки ота-она?

Дарвоқе, газетанинг кейинги сонларида ҳам шу мавзуга оид «Ўқитувчи ўқувчига етарли билим бера олдимизми?», «Қонунлар ижроси тўлиқ таъминланса, коррупция йўқолади» каби мақолалар берилди. Уларда билимсизлик жамиятни бошқара олмаслиги, коррупцияга қарши курашни ҳар бир ректор ўзи раҳбарлик қилаётган олийгоҳда дадил амал ошириши самара бериши каби фикрлар юритилди, таклифлар илгари сурилди.

Шу ўринда Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, етук олим Ғайбулла ас-Саломнинг бир гапи ёдимга келди: «Тошкентни орқамга ташлаб, Самарқанд университетига ишга келдим, мени ўқитган аллома, университет ректори Воҳид Абдуллаевдан (у ёқдан катта ишни

мен жим. Бир маъракада домла лавозим кўришиб қолдик. «Ғайбуллажон, ҳаммасини биламан, аммо бу жойни Самарқанд дейдилар. Кўриб турибсиз, барча лавозимда ўтирган кишиларнинг билими, нуфузи меникидан кам эмас» деганларида яна кўрпамни орқамга ортиб, Тошкентга, ўша катта ишимга қайтиб кетганман».

Демоқчиманки, Самарқандда билимчилар, зукко инсонлар, ақл-заковатли ёшлар кўп. Шу боис, азалдан Самарқанд ана шундай мутахассислар билан таъминланган, унинг келажаги қалби тоза, дили пок инсонлар билан ардоқланган. Ўзбекистоннинг қайси бурчагидан бўлмасин Самарқандда ўқишга интилувчиларнинг кўплиги шундан.

Ҳадемай тест синовлари бошланади. Ота-онасининг пули билан номига талаба бўлишни истаётганлар ёнида ўн минглаб билимга чанқок ўғил-қизларимиз бор. Улар ўз билими билан ўқишга киришга отланган. Уларнинг ёруғ истаги, ёниб турган кўзларига теран боқайлик, улар тақдирига бефарқ бўлмайлик, коррупцияга йўл қўймайлик. Зеро, бугунги замонавий техникашарҳ тараққиётни, кўп тилни билувчи, ақли, дунёқарши кенг, илғор фикрловчи ёшларгина бошқара олади.

Жумақул ҚАРИМ.

Регистон

Неча юз йилдиким, само тургай Регистон бошида, Қанча сирлар бор экандир бу фалак йўлдошида. Қанчалар илму заковат воқифи қошона бу, Ўтмиши беҳад китобким неча юз йил ёшида. Неки меъмор зотини шайдо этиб меъмор ўзи, Қай хунар лол қолмади зебо Регистон қошида. Не замонлар кечса ҳамки у элимдан пойдор, Гул Самарқандим зиёси ёнса ҳар бир тошида. Бахтиёр давронда дер Яҳё Регистон жилвагар, У жилва бергай Самарқанд сайқалининг бошида. Ҳайдар ЯҲЁ.

Истасанг

Сажда қил меҳнатга дўст, бахту саодат истасанг, Беғараз, холис умр кўргил фароғат истасанг.

Одамийлик илмин ўрган токи жонинг борича, Ҳойнаҳой, айлаб ният тоат-ибодат истасанг.

Кек, гараз ҳирсу ҳасаддан унмаган боғи жаҳон, Ҳар нафас шукрона қил ҳузру ҳаловат истасанг.

Поклигу озодалик бўлсин ширинг ҳар қачон, Чирку ифлосдин йироқ юр ҳусну малоҳат истасанг.

Ҳам тилингу ҳам дилингу ҳамда илгинга берма эрк, Элга хизмат чоғларида фаҳму фаросат истасанг.

Мустақиллик иншоотлари: ОҚДАРЁ

Ойтамғали маҳалла фуқаролар йиғинининг янги биноси фойдаланишга топширилди. 6 та хонадан иборат бинода ходимлар ва мурожаат қилувчи маҳалла фуқаролари учун зарур шароитлар яратилган.

Галаравот маҳалласи Юқори Бойбўта қишлоғидаги 1960 йилда қурилган 5-умумий ўрта таълим мактаби филиали ўрнида 60 ўринли замонавий бино қад ростлади.

Тўлқин СИДДИҚОВ.

Мустақиллик мушоираси

Қадрдонгинам

Омонат, лек галва дунёдан Ҳали синов кўгдир, биламан, Жой излайди митти жонгинам. Фақат Сиз-ла бахтли бўламан, Шундай пайтда Сиз содиқ ҳабиб, Сиз ва Ҳақнинг ёлғиз қулиман, Аллоҳ берган Қадрдонгинам. Аллоҳ берган Қадрдонгинам. Сизни кўрсам, қалбимда тугён, Ёнингизда юргум соғиниб, Бошим узра сёзгум соябон, Сёзмасангиз, гоҳ оғриниб, Шу онларга бўлайин қурбон, Мен яшагум Сизга илиниб, Аллоҳ берган Қадрдонгинам. Аллоҳ берган Қадрдонгинам.

Тилаб олган оқ тилагимсиз, Бор вужудим, дил, юрагимсиз, Ҳар лаҳзада ҳам керагимсиз, Аллоҳ берган Қадрдонгинам.

Англаб етдим бу мўъжизани, Яралганман Сизни севгани, Сиз ҳам суйинг мен ожизани Аллоҳ берган Қадрдонгинам.

Дилфуза МАМАДИЁРОВА.

Тўртликлар

Кўнгил оққан томонга кетма, Ҳавасларнинг охири сароб. Енгил-елпи ҳаётни, англа, Оқибати бўлғайдир хароб.

Ҳаёт ўзи асли имтихон, Лаҳзалари Аллоҳдан имкон. Умринг қадрин ўзинг қадрла, Шу қадр-ла бўлурсан инсон.

Бекназар ОРЗИҚУЛОВ, Иштихон тумани.



Бахтиёр Ҳасанов ушбу танловда иккинчи ўринни қўлга киритди.

Вилоят халқ таълими бошқармаси ахборот хизмати.

Бахтиёр муаллим

республика танловида ғолиб

Халқ таълими вазирлиги томонидан умумтаълим муассасаларининг педагоглари орасидан математика, физика, кимё ва биология фанлари бўйича илғор, ижодкор ўқитувчиларни аниқлаш, уларни қўллаб-қувватлаш ва турли фанлар бўйича тест саволлари захирасини шакллантириш мақсадида «Энг яхши назорат материаллари» кўрик-танлови ташкил этилганди.

Танловда иштирок этиш учун халқ таълими вазирлигига жўнатилган назорат материаллари орасидан низоом талаблари асосида 2393 нафар педагогнинг ишлари қабул қилинган.

Оқдарё туманидаги 47-умумтаълим мактабининг математика фани ўқитувчиси

Нуриддин БОБОҚАНДОВ.

ПАСТ ДАРҒОМ ТУМАНИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ БЎЛИМИ ЖАМОАСИ

барча юртдошларимиз, ўқитувчи-мураббийлар ва соҳа фахрийларини юртимиз мустақиллигининг

29 йиллиги билан табриклайди.



БАЙРАМ ШУКУҲИ ҲАР БИР ВАТАНДОШИМИЗ ХОНАДОНИНИ АСЛО ТАРҚ ЭТМАСИН.

Жаҳон янгиликлари

ЎҚОТАР ҚУРОЛ РЕКОРД САВДОСИ

2020 йилнинг ўтган 6 ойи мобайнида АҚШда ўқотар қурол савдоси рекорд кўрсаткич -10,3 миллионти ташкил этди. Бу ҳақда ўқ отиш спорти Миллий жамғармаси маълум қилди. Унда қайд этилишича, қурол сотиш 95 фоизга, ўқ дори сотиш 2019 йилга нисбатан 139 фоизга етган. Харидорларнинг яримдан кўпи оқ танли эркаклардир, аммо энг кўп ўсиш афроамерикаликлар ҳиссасига тўғри келади.

АМЕРИКА ҚЎШИНИ ГЕРМАНИЯДАН НЕГА КЕТАПТИ?

Америка президенти НАТОга аъзолик бадалини кам тўлаётгани учун бундан кейин Германияни бошқа ҳимоя қилмаслигини маълум қилди. Кимдан ҳимоя қилмаслиги ҳақида эса лом-мим демади. Трамп Германиядан 12 минг ҳарбийларни олиб чиқишга буйруқ берди. Шундан кейин улар Бельгия ва Италияга жойлаштирилади. Қолгани АҚШга қайтади, аммо Европа бўйлаб «хатарли нуқта»ларда кезиб юради.

АЛКОҚУЛФ КИМГА ҚЎЙИЛИШИ КЕРАК?

Россия Саноат савдо вазирлиги йил охиригача агар рудда маст ҳайдовчи ўтирган бўлса машинаси двигателига унинг ишлашини тўхтатадиган алкокулф –прибор ўрнатиш масаласига аниқлик киритиши лозим.

Айни пайтда мамлакатда ана шундай қурилма (биттаси 79 минг рубль туради) «Мета» компаниясида мавжуд. Йўриқномада двигателни юргизишдан олдин ейиш, ичиш, чекиш, атир-уладан, соқол олишдан сўнг крем сурқашдан ва ҳоказолардан фойдаланиш мумкин эмас. Агар салонда маст йўловчи ўтирган бўлса-чи? Одатда бундай ҳолатда ҳар икки йўловчидан бири ширакайф бўлади. Двигател таксичи нима қилиш керак, тушунарсиз?

ОДАМ ВА МАЙМУН

Ҳозирда худди XIX асрда бўлганидек Дарвиннинг шаънига балчиқ чаплаш урфга айланган. Яхшиямки, унинг «одам маймундан таркаган» деган ибораси учун гулханда куйдиришмайди. Аслида Дарвин ҳеч қачон бундай таъкидламаган. У одам аллақандай эволюция дарахтининг бир шохи, жумладан, маймунлар ҳам, деб тахмин қилган ҳолос.

«АиФ» ҳафтаномаси (2020 йил, 32-сон)дан Т.МУРОД тайёрлади.

Zarafshon AMARKANDSKIY ESTNIK

МУАССИСЛАР: халқ депутатлари Самарқанд вилоят Кенгаши ва вилоят ҳокимлиги

Бош муҳаррир: Фармон ТОШЕВ. Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигининг Самарқанд вилоят матбуот ва ахборот бошқармасида 2012 йил 30 мартда 09-01 рақам билан рўйхатга олинган. Навр 100. Индекс 438. 10 796 нусхада чоп этилди. Буорتما 487. Газета ҳафтанинг шешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқмади.

Хазони 4 босма тасвир, бичими А-2

ҚАБУЛХОНА: 233-91-51. ХАТЛАР ВА МУРОЖААТЛАР: 233-91-53. БЎЛИМЛАР: 233-91-57, 233-91-58, 233-91-59, 233-91-61. РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР: 233-91-66. МАНЗИЛИМИЗ: 140100, Самарқанд шаҳри, Улуғ Турсунов кўчаси, 80-уй, Матбуот уйи. Газета «Зарафшон» таҳририятининг компьютер бўлимида саҳифаланди. «Нодир люкс» ИМЖ Босмахонасида чоп этилди. Қорхона манзили: Самарқанд шаҳри, Спитамен кўчаси, 270-уй. Босишга топшириш вақти: соат 18:30 да. Босишга топширилди: соат 19:00 да.

Навбатчи муҳаррир: А.ҲАЙДАРОВ. Навбатчи: Х.ЭРНАЗАРОВА. Саҳифаловчи: Б.АБДУЛЛАЕВ. Сопузда нархи қилинган ҳолда

ISSN-201667X 917720101667009